VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

41 (473) ● 2017 йил 4 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ 5-6 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев 2017 йил 5-6 октябрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ўзбекистон Президентининг 5-6 сентябрь кунлари Қирғизистонга давлат ташрифи чоғида бўлиб ўтган олий даражадаги мулоқотнинг давоми сифатида икки давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қиладилар, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари бўйича фикр алмашадилар.

Давлат раҳбарлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон ва Қирғизистон саноат маҳсулотлари кўргазмасига ташриф буюрадилар.

Музокаралар якунлари бўйича Президентлар Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида Қўшма декларацияни қабул қилиши кутилмоқда.

Ташриф доирасида турли соҳаларда ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

## ТУРИЗМНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда туризмни изчил ривожлантириш истиқболлари, сайёҳлик объектларидан самарали фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини ошириш, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Бугунги кунда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган.

Туризм – иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, ушбу тармоқни янада такомиллаштириш зарур, буни даврнинг ўзи тақозо этмоқда, деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат. Чунки она заминимизда бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган аждодларимиз мангу қўним топган. Улар қолдирган бой маънавий-маданий меросга халқаро майдонда қизиқиш жуда катта. Соҳани янада ривожлантириш учун, аввало, зарур инфратузилмани такомиллаштириш шарт. Биринчиси, транспорт, иккинчиси логистика, деб таъкидлади Президентимиз.

Йиғилишда қайд этилишича, 2017 йилнинг 9 ойи якунига кўра, қарийб 1 миллион 800 минг сайёҳ юртимизга келган. Бу 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 17 фоиз кўпдир. Мамлакатимизда сайёҳлик хизматлари экспорти ҳам 17 фоиз кўпайиб, 1 миллиард 86 миллион долларни ташкил қилган. Йил охирига қадар мамлакатимизга ташриф буюрувчи сайёҳлар сони 2,5 миллиондан ошиши кутилмоқда.

Мамлакатимизда туризмнинг янги истиқболлари очилиб, турли йўналишларда кенг қамровли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда альпинизм, отда, туяда, велосипедда саёҳат қилиш, off-road сайёҳатлари, балиқ ови, рафтинг, хелиски, геотуризм, таълим туризми, тиббий туризм каби янги сайёҳлик йўналишлари оммалашмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони туризм тармоғини жадал ривожлантиришни таъминлаш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, минтақаларда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишда муҳим омил бўлмоқда.

Фармонда белгилаб берилган мақсадли вазифалар ҳамда устувор йўналишларни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекстон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди.

Ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистон туризм салоҳиятини комплекс ривожлантиришга қаратилган 16 норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар асосида туризм соҳаси субъектларига сезиларли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда бошқа енгилликлар тақдим қилинди.

Мамлакатимиз туризм тармоғини Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ISO) талабларига мос келишини таъминлаш мақсадида туризм терминологияси ва меҳмонхона хўжаликлари хавфсизлиги талаблари бўйича янги 2 та давлат стандарти ишлаб чиқилди ва рўйхатдан ўтказилди.

Булардан ташқари, Президентимизнинг тегишли қарори билан ҳудудларда туризм соҳасининг бошқарув тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳамда Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ҳокимларининг туризм масалалари бўйича ўринбосарлари лавозими жорий этилди.

Ўтган давр мобайнида давлатимиз раҳбари топшириқлари асосида Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах ва Фарғона вилоятларида туризм инфратузилмасини яхшилаш, янги сайёҳлик йўналишлари ташкил этиш ҳамда ҳудудларнинг туризм салоҳиятини кенг тарғибот қилишга қаратилган дастурлар қабул қилинди. Жумладан, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида сайёҳлар учун куну тун фаолият кўрсатувчи, ҳар бирининг ҳудуди 10 гектардан иборат "Қадимий Бухоро" ва "Самарқанд сити" туризм ҳудудларини барпо этиш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ, Паркент ва Оҳангарон-Ангрен туризм кластерлари ҳудудларида меҳмон уйларини ташкил этиш бўйича комлпекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва бугунги кунда амалиётга жорий этилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 16 августдаги "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Қарорга кўра, 2018-2019 йилларда соҳа олдида турган муҳим масалалар ечимига бағишланган алоҳида дастур тасдиқланди ва унинг тўлиқ ижросини таъминлаш ва соҳада олиб борилаётган ишларни идоралараро мувофиқлаштириш мақсадида Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштириш кенгаши тузилди.

Дастур асосида юқоридаги каби алоҳида туризм ҳудудлари Тошкент, Урганч шаҳарларида ва Фарғона вилоятида ташкил этилиши белгиланган.

Шунингдек, дастур доирасида туризмнинг тиббий, рекреация, агро ва экотуризм йўналишлари бўйича алоҳида дастурлар қабул қилиниши ҳам белгилаб қўйилди.

Замонавий туризм истиқболларидан бири – ноёб табиий масканлар ҳисобланади. Ўзбекистон Марказий Осиёда экотуризм энг ривожланган етакчи давлатдир. Юртимиз бой ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, бетакрор ландшафт манзараси, миллий анъаналар ва таомлар ошхонаси билан сайёҳлар эътиборини қозониб келади. Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғи, унинг таркибига кирувчи Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси, Айдар-Арнасой кўллар тизими ва Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зоналарида Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш масалалари доирасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда ҳар бир йўналиш бўйича, яъни Европа, Осиё ва бошқа қитъалардан келадиган сайёҳлар учун махсус дастурлар ишлаб чиқиш, чартер рейслар ва темир йўлларда қатновлар сонини кўпайтириш, туризм ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини мукаммал ўзлаштириш, ички туризмни ривожлантириш, сайёҳлик объектларини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мамлакатимизда туризм йўналишида мутахассислар тайёрловчи 5 олий ўқув юрти, жумладан, Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ҳамда ўндан ортиқ ўрта махсус билим юрти фаолият кўрсатмоқда. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси сайёҳлик соҳасида таълим олаётган ёшлар, соҳада меҳнат қилаётган мутахассисларнинг Европа ҳамда Осиёнинг йирик сайёҳлик марказлари ва ўқув юртларида малака оширишига кўмаклашмоқда.

Соҳа истиқболида яна бир муҳим жиҳат – бу ҳудудлардаги барча маданий-тарихий мерос объектлари, табиий ўлкашунослик, миллий қўриқхона ҳудудларининг ягона маълумотлар базасини яратиш, туризм соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, минтақаларда туризмни ривожлантириш учун жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоатчилик кучларини бирлаштиришдан иборат. Бу борадаги изчил ишларни амалга оширишда мамлакатимизда мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган бўлиб, ҳудудлар учун махсус дастурлар ишлаб чиқилган ва жараён изчил давом этмоқда.

Мамлакатимиз туризм индустрияси жадал ривожланишида хусусий секторнинг устувор иштирокини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир юзлаб тадбиркор ва ҳунармандлар туризм соҳасига жалб қилинган бўлиб, улар сувенир маҳсулотлари ишлаб чиқариш, меҳмонхона хўжалиги, сайёҳларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланади.

Туризмни ривожлантиришда хориж мамлакатларида бўлиб ўтадиган сайёҳлик кўргазма ва анжуманлари муҳим аҳамият касб этади. Юртимиз миллий маданий меросини чет элларда оммалаштириш, мамлакатимизга хорижлик сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш ва ички туризмни ривожлантириш мақсадида мамлакатимиз сайёҳлик ташкилотлари Мадрид, Рига, Берлин, Париж, Токио, Лондон, Москва, Истанбул каби дунёнинг йирик шаҳарларида қатор кўргазмалар ташкил этмоқда ёки халқаро кўргазмаларда қатнашмоқда. Бу, албатта, ўз самарасини бериб, хорижий сайёҳларнинг юртимизга оқими тобора кўпаймоқда.

Йиғилишда туризм индустриясини жадал ривожлантиришда хусусий сектор иштирокини янада кенгайтириш, уларга имтиёзлар тақдим этиш, соҳада кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, янги сайёҳлик маҳсулотлари турини кўпайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари мутасадди қўмита, вазирлик ва идоралар раҳбарларига сайёҳликни мавсумий эмас, балки йил давомида даромад манбаига айлантириш, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, сайёҳларни жалб қилишда янгича усул ва ёндашувлардан самарали фойдаланиш, кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича топшириқлар берди.

**ЎзА**

Фракция фаолияти

## ФРАКЦИЯДА ИЖОДИЙ УЧРАШУВ, ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ МУҲОКАМАСИ

### ЎзМТДП ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёров билан ижодий учрашув ташкил этилди. Унда "Миллий тикланиш" демократик партиясининг қуйи палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Марказий кенгаши, Тошкент вилоят ва шаҳар кенгашлари ходимлари, партия фаоллари ва ёшлар иштирок этди.***

Тадбирни партия Марказий кенгаши раиси, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

— Куни кеча юртимизда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни кенг нишонланди, — деди фракция раҳбари. — Шу муносабат билан ташкил этилган бугунги тадбир доирасида устоз санъаткор Бахтиёр Ихтиёровнинг қизғин ижод йўли билан танишиш, ёшларнинг санъат ва маданиятга, кино ва театрга бўлган қизиқишини ошириш, шу билан бирга, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштиришда тажрибали санъаткорнинг таклифлари билан танишишни мақсад қилдик.

2-бет →

Муносабат

## МАЪРИФАТ ФИДОЙИЛАРИГА ЭҲТИРОМ

***Азалдан макон ва замон, олам ва одам, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларни шакллантиришга, авлодлар давомийлигини, инсоният камолотини таъминлашга хизмат қилувчи эзгу тушунчалар силсиласида муаллимлик рутбаси доим юксак ва қадрли бўлиб келган. Улар ҳар қанча эъзоз, қадрлаш ва улуғлашга лойиқ. Мамлакатимизда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келинаётгани, сана муносабати билан Президентимизнинг соҳа ходимларига табрик йўллаб, фидоий касб эгаларининг меҳнатига муносиб баҳо берилиши уларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиромнинг намунасидир.***

Бу йил ҳам давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев байрам муносабати билан ўқитувчи ва мураббийларга табрик йўллаб, уларга ўзининг чуқур ҳурмат ва эҳтиромини изҳор этгани соҳанинг ҳар бир вакилини чексиз қувонтирди, касбига бўлган меҳрини янада оширди, руҳлантирди.

Юртимизда мустақил тараққиёт йилларида таълим-тарбия масаласига устувор аҳамият қаратилиб, бу борада ўзимизнинг мустақил йўлимизга эга бўлдик.

2-бет →

Янги лойиха: "Ўзлик хакида сухбат"

## "СЕН ЎЗИНГНИ ТОНИМАС ЭРМИШСАН, ЎЗ СЎЗИНГНИ ТОНИМАС ЭРМИШСАН..."

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ БИЛАН СУҲБАТ

***Бугунги глобаллашув ва ахборот шиддати, қарашлар ҳамда қадриятлар тўқнашуви одамлар қалбида чуқур акс-садо бераётган мураккаб ва таҳликали даврда барча халқ олдида бир муаммо пайдо бўлган — миллий қиёфани, ўзликни сақлаб қолиш. Айниқса, навқирон авлод онгу-шуури, қалбини эгаллаш учун кураш турли мафкуравий таҳдидлар марказига кўчгани бу хавотирни тобора умуминсоний муаммо ўлароқ майдонга чиқармоқда.***

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида бу борадаги муаммоларнинг сабаб-оқибатлари ҳақида сўзлай туриб, унинг энг оқилона ечимини ҳам кўрсатиб берди: "Одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир.

5-бет →

Кўрик-танлов

## XXI АСР АЁЛИ — ҲАР ЖАБҲАДА ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР

### "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида "XXI аср аёли" кўрик-танловининг республика босқичини ўтказди.***

Мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилиш, уларнинг истеъдод ва маҳоратини юзага чиқариш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада энг аввало, миллий қонунчилигимизда мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган — қатор Кодекс ва қонунларимизда, Президентимиз қарор ва фармонларида, Давлат дастурларида хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, уларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш масалалари ўз ифодасини топган. Буларнинг самарасида хотин-қизларимиз барча соҳада самарали меҳнат қилиб юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётир.

Тўққиз йилдан буён партия ўтказиб келаётган кўрик-танлов хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини оширишга қаратилгани билан эътиборга молик.

4-бет →





" MILLIY TIKLANISH " — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

Нашр кўрсаткичи — 158



Фракция фаолияти

# ФРАКЦИЯДА ИЖОДИЙ УЧРАШУВ, ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ МУҲОКАМАСИ

## ЎзМТДП ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



**< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувида миллий маданият, адабиёт ва санъатни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинди. "Жамият тафаккурининг эгалари" дея таъриф берилган ижод аҳли, зиёлилар қатламининг жамиятдаги ўрни ва мавқеи, фаолиятига эътибор қаратилиб, устоз санъаткорларнинг бой тажриба ва босиб ўтган ижод йўлидан бўлажак соҳа вакилларини баҳраманд этиш ҳамда ёш авлод тарбиясида самарали фойдаланиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Дарҳақиқат, миллий маданият ва санъат ривожи жамиятдаги маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади, халқимизнинг миллий ўзига хослиги, анъана ва қадриятларини мустаҳкамлайди. Маданият, санъат ривожига қаратилган ҳар бир саъй-ҳаракат партиямизнинг дастурий вазифаларига ҳамоҳанг эканлиги бизнинг бу борада янада фаол ҳаракат қилишимизни тақозо этади. Айни шу мақсадда келгусида бу каби ижодий учрашувларни мунтазам ташкил этишни мақсад қилганмиз.

Учрашувда ўзбек кино ва театр санъатининг таниқли намояндаси, Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёров ўзининг ҳаёт ва ижод йўли, устозлари, юртимизда санъат ва маданият ривожига қаратилаётган эътибор, театр ва кино санъатининг тарихи, бугуни ва келажаги хусусида тўхталди.

— Ҳар бир инсоннинг ҳаётда қандай мавқега эга бўлиши, маълум бир даражага эришишида устозларнинг ўгити муҳим ўрин тутади, — деди Бахтиёр Ихтиёров. — Шу маънода мактабдаги ўқитувчиларимдан тортиб кино ва театрдаги буюк санъат дарғаларигача бўлган барча устозларим менинг бугунги даражага етиб келишимга пойдевор бўлди. Санъат соҳасида Сойиб Хўжаев, Ҳамза Умаров, Лутфихоним Саримсоқова сингари буюк актёр ва актрисалардан ўрганганларимиз, меҳридан, малакасидан баҳраманд бўлганимиз биз учун катта мактаб вазифасини ўтаган. Актёр саҳнада шунчаки роль ўйнаши эмас, яшаши керак, яратаётган образини ич-ичидан, юрагидан ҳис қилиб, ҳар бир ҳолатни "ўзидан ўтказиши" керак. Актёрлик бу — ҳунар, хобби эмас. Бунинг учун ижодий изланиш, маҳорат, меҳр ва садоқат керак. Бугун юртимизда санъат соҳасини ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар яратиб берилган. Бу имкониятлардан унумли фойдаланиш, ўз устида ишлаш, ўзини соҳага бағишлаш керак, холос. Ёшларга ҳамиша ана шуларни уқтиришдан чарчамайман.

Учрашувда депутатлар, партия фаоллари ва ёшлар устоз санъаткорга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилди. Ўз соҳасининг устаси бўлган актёр 23 ёшида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлгани бежиз эмас. Унинг серқирра ижод, актёрлик маҳоратига эга бўлиши миллий кино ва театр санъатида ўз ўрнини топиши, устоз санъаткор даражасига етишида касбига бўлган меҳри ва садоқати пойдевор вазифасини ўтаган. Ўзаро самимий суҳбат жараёнида соҳага оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Тадбир давомида фракция аъзолари ва партия вакиллари давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, улар ижросини таъминлашда ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган устувор масалаларни муҳокама қилди. Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 26 сентябрдаги "Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими самарадорлигини янада такомиллаштириш, уларнинг касбий компетентлигини доимий ривожлантиришга қаратилган, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Элдор Туляков. — Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида педагог кадрларни тайёрлаш бўйича 5 та давлат педагогика институти, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича 14 та ҳудудий институт фаолият кўрсатаётган эди. Юқоридаги қарор билан мазкур муассасалар Халқ таълими вазирлиги тизимидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфига ўтказилди. Бундан кўзланган мақсад — халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтаришдан иборат. Ушбу қарор юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини янада яхшилашга хизмат қилади.

Мазкур қарор ўз моҳияти билан партиямизнинг илм-фанни ривожлантириш, ёш авлод таълим-тарбияси учун қулай шароитлар яратиш, педагог ва зиёлиларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш сингари дастурий вазифаларига ҳамоҳанг. Унинг ижросини таъминлашда депутатлик ва парламент назорати институтларидан самарали фойдаланиб иш олиб боришимиз зарур.

Йиғилишда депутатлар Президентимизнинг "Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори юзасидан ЎзМТДП фракциясининг вазифаларига эътибор қаратдилар. Таъкидланганидек, мазкур қарор олий таълим муассасаларига кириш учун муносиб номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг тегишли мутахассисликлар бўйича олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиришлари учун зарур ва етарли бўлган, чуқурлаштирилган назарий ва касбий тайёргарлигини таъминлашга хизмат қилади.

— Қарорга кўра, ўқув-методик ва моддий-техника базаси замонавий талабларга жавоб бермайдиган, олий таълим муассасаларидан узоқда жойлашган, таълим сифати ва битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари паст бўлган 37 та академик лицейга 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларни қабул қилиш тўхтатилади ва 2019 йил 1 сентябридан уларнинг фаолияти тугатилади, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Нодир Мухторов. — Юқори илмий ва педагогик салоҳиятга, етарли моддий-техника базага эга бўлган 68 та академик лицей эса олий таълим муассасалари тасарруфига ўтказилади. Шунингдек, қарор билан 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб академик лицейларда ўқиш муддати икки йил этиб белгиланди. Мазкур ҳужжатда кўзда тутилган чора-тадбирлар академик лицейларда ўқитиш сифатини ошириш, иқтидорли ёшларни танлаш ва мақсадли таълимга йўналтириш, олий таълим муассасаларига кириш учун муносиб номзодларни мақсадли тайёрлашга кенг йўл очади. Бу, ўз навбатида, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш ишида ҳамкорлик қилиш вазифалари ижросида муҳим ўрин тутади.

Фракция аъзолари йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Партиямиз дастурий вазифаларига муштарак бўлган ҳар иккала қарор ижроси устидан депутатлик ва парламент назоратини, тарғибот ишларини амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири**

Муносабат

# МАЪРИФАТ ФИДОЙИЛАРИГА ЭҲТИРОМ

**< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, ўқув масканларини қуриш, реконструкция қилиш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш бўйича муҳим вазифалар белгиланганi соҳани янада ривожлантиришда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўқув-маърифий ислоҳотларнинг ота-оналар, педагоглар, ўқувчи-ёшлар, кенг жамоатчиликнинг орзу-интилишларига, мақсад-муддаоларига монанд бўлишини тўлиқ таъминлашга эришилаётгани ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ва интилишини кучайтирмоқда, уларни турли мафкуравий хатарлардан ҳимоялашда муҳим омил бўлмоқда. Бу йил кўплаб ота-оналарнинг хоҳиш-истаклари билан умумтаълим мактабларида 11 йиллик таълим жорий этилгани, ўқувчиларнинг интилишига қараб улар мактаб, коллеж ёки лицейларда таълимни давом эттириши учун кенг имкониятлар яратилгани барчамизни мамнун қилди.

Таъкидлаш жоиз, юртимизда соҳага оид қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар сифатли таълим имкониятларини ошириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, мактабгача таълим даргоҳлари тармоғини кенгайтириш, уларда ўғил-қизларнинг ҳар жиҳатдан ривожланиши учун шароитларни яхшилаш, умумий ўрта таълим сифатини тубдан оширишга хизмат қилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг шу йил 26 сентябрда қабул қилинган "Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори халқ таълими фидойиларининг малакасини янада юқори даражага кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги замон педагог ва устоз-мураббийлардан давр билан ҳамнафас бўлишни, ёш авлод онгу шуурини маънавият, маърифат билан бойитишни, бунинг учун ижодий изланиши зарурлигини талаб этади. Президентимиз қайд этганидек, терроризм ва экстремизм каби бало-қазоларни бартараф этишда фақат уларнинг оқибатларига қарши курашиш билан чекланмасдан, биринчи навбатда, бу таҳдидларни келтириб чиқараётган сабабларга қарши курашиш, ёшларни эзгулик, умуминсоний идеаллар руҳида камол топтириш лозим. Бу эса ўқитувчи ва мураббийлар зиммасига янада залворли масъулият юклайди.

Давлатимиз раҳбари фидоий касб эгаларига йўллаган табригида "Буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, дунёнинг бор бойлик ва хазинаси билан ҳам сизларнинг олижаноб меҳнатингиз ҳақини адо этиб бўлмайди", деб таъкидлади. Дарҳақиқат, устоз-мураббийларнинг ҳам таълим, ҳам тарбия ишларидаги фидойилиги, ёшларга оид давлат сиёсатидаги ўрнини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Уларга ҳамиша эътибор ва эҳтиром кўрсатиш, таълим сифати самарадорлигини оширишга кўмаклашиш, улар учун янада қулай ва замонавий шарт-шароитлар яратиб бериш ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзолари партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини назорат қилишда фаол қатнашади, ўқитувчи ва мураббийларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва уларга зарур шароитлар яратиб бериш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.

**Феруза ИБРАГИМОВА,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

# ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИ – МУҲИМ ВАЗИФА

Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотларга кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан. Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга олсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди. Ана шу далилларнинг ўзиёқ мактабгача таълим масканлари бола тарбиясида қанчалик муҳим ўрин тутишидан яққол далолат беради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори, энг аввало, мамлакатимизда мактабгача таълим муассасаларининг давлат ва нодавлат тармоқлари сонини янада кенгайтириш, муассасалар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ мамлакатимизда Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Унда мактаб ёшигача бўлган болаларни соғлом, етук, жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, болаларнинг мунтазам таълим-тарбия олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали мактабга тайёрлаш кўникмасини такомиллаштириш масаласи кун тартибидаги энг муҳим вазифа сифатида белгиланди.

Бугун мамлакатимизда 4 минг 916 мактабгача таълим муассасаси мавжуд. Сўнгги 20 йил давомида давлатга қарашли мактабгача таълим муассасалари сони 45 фоиздан зиёдроққа камайиб, болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш атиги 30 фоизга яқинни ташкил этади. Аксарият мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базаси замон талабларига жавоб бермай қолган. Истиқболдаги янги тизимда болаларни мактабга тайёрлаш бўйича ишончли таълим моделлари, уларни ижтимоий ва ижодий ривожлантириш ҳамда тараққий этган давлатлар тажрибасига таяниш назарда тутилган.

Президент фармонида 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида, вилоятлар марказларида эксперимент тариқасида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида янги мактабгача таълим муассасалари ташкил этиш каби вазифалар белгиланди. Бунда инвесторларнинг ваколатли давлат органлари билан 50 йил муддатга тузадиган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишуви асосида амалга ошириладиган лойиҳалар қўллаб-қувватланади.

Фармонда белгиланганидек, бу жараёнда мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, зарур инфратузилмани яратиш, ходимларнинг меҳнатини моддий рағбатлантириш, педагог кадрларни сифатли тайёрлаш ва малакасини ошириш, мактабгача таълимнинг хусусий секторини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш айни муддаодир. Мактабгача ёшдаги болаларни уйғун ривожлантиришга доир илғор хорижий тажрибани ўрганиш, унинг асосида сифатли мактабгача таълимни ташкил этиш, бу борадаги давлат талабларини қайта кўриб чиқиш, мактабгача таълим тизимида фарзандларимизга барча зарур шароитни яратиш каби вазифаларга бугунги куннинг муҳим стратегияси сифатида қаралмоқда.

Мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш орқали мактабгача таълим ҳар томонлама ривожлантирилиб, тарбияланувчиларнинг билими ва маънавий-ахлоқий даражаси янада юксалтирилади. Ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг замонавий илғор шакллари, янги педагогик ва ахборот технологиялари, таълим-тарбиянинг самарали шакл ва усуллари жорий этилади. Болаларни мактабга тайёрлашнинг муқобил шакли бўлган қисқа муддатли гуруҳлар тармоғи кенгайтирилади. Мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базаси яхшиланади. Нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғи ривожлантирилиб, улар ўртасида соғлом рақобат шаклланади, таълим хизматларининг турлари кўпайтирилади, пировардида болаларни мактабгача таълимга 100 фоиз қамраб олиш имконияти яратилади.

ЎзМТДП фракцияси фармонда илгари сурилган ғоялар, белгиланган вазифаларни қўллаб-қувватлаган ҳолда унинг ижросини мунтазам ўрганиб боради. Ўрганишлар асосида аниқланган муаммоларни ечиш, муассасаларнинг келажакдаги фаолиятини янада такомиллаштиришга кўмаклашади.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бугунги кун учун ниҳоятда муҳим ва долзарб аҳамиятга эга ҳужжат бўлди. Бу мамлакатда мактабгача таълим тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, мактабгача таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий техник жиҳозланишини тубдан яхшилаш имконини беради.

**Алишер ҚОДИРОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

# КУРАШ — МАТОНАТ, ЖАСОРАТ, ВАТАНПАРВАРЛИК ТИМСОЛИ

Халқ ўйинлари асрлар давомида халқимиз маънавиятини бойитишга, онгу тафаккури, ҳис-туйғуларини теранлаштиришга хизмат қилган. Миллий ўйинларимиздан бири ҳисобланган ўзбек кураши спорт тури сифатида бугун дунё миқёсида эътироф этилиб, ўз ўрни ва нуфузига эга бўлмоқда. Инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган миллий курашимиз ёшларнинг нафақат жисмоний камолоти, балки маънавий юксалишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Боиси халқимизга хос бўлган ҳалоллик, мардлик, жасурлик сингари хислат ва қадриятлар ўзбек миллий курашида ўз ифодасини топган.

Давлатимизнинг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида кураш халқаро спорт тури сифатида кенг эътироф этилди, "кураш", "ҳалол", "таъзим", "тўхта" ва "ёнбош" каби ўзбекча атамалар эса жаҳон ареналарида баралла янграмоқда. Айни пайтда Кураш халқаро ассоциациясининг 130 га яқин давлатда кураш федерациялари фаолият юритмоқда. Миллий курашимизнинг аёллар ва ўсмирлар ўртасида ҳам оммалашаётгани унинг Олимпия ўйинлари сафидан ўрин олишига имкон яратади. Бу муваффақиятлар, албатта, ҳар биримизни ғурурлантиради. Айниқса, бу мусобақаларда дунёнинг барча қитъасидан полвонлар ўзбекона камтарлик ва мардонаворлик билан таъзим қилиб гиламга чиқаётгани миллий қадриятларимизга бўлган ҳурматидан далолат беради. Ўзбекча сўзларни бурро-бурро айтаётган хорижлик ҳакамларнинг овозлари қулоғимизга ёқимли эшитилишининг сабаби ҳам аслида миллий анъаналаримизнинг қадр топганидан.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида курашни янада ривожлантириш ҳамда оммалаштириш, ўсиб келаётган авлодда миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва жаҳон спорт майдонларида юқори натижаларга эришишни таъминлаш мақсадида шу йил 2 октябрда қабул қилинган "Кураш" миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори барчамизга чексиз ғурур, шу баробарида, катта масъулият юклайди. Қарорда кураш миллий спорт турини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш назарда тутилган. Унга мувофиқ курашни оммалаштириш ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида Нукус шаҳри ва вилоят марказларида кураш миллий спорт тури марказлари, ҳар бир туман ва шаҳарда эса замонавий спорт клублари ва секциялари ташкил этилиши ёшлар учун кенг имконият яратади.

Қарорда Ўзбекистон кураш федерациясининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кураш бўйича спортчилар ва мураббийларнинг ижтимоий ҳимоясини ошириш имконини берадиган қатор имтиёзлар назарда тутилган. Бу эса соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш, ёшларни мустаҳкам иродали, қатъиятли ва жасур инсонлар этиб камолга етказишдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз. Шунингдек, ёшларни ушбу спорт турига кенг жалб этиш мақсадида Ўзбекистон кураш федерацияси ҳузурида "Кураш" миллий спорт тури маркази нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил қилиш ҳам назарда тутилган.

Бугунги кунга қадар дунёнинг кўплаб мамлакатларида кураш бўйича 500 дан ортиқ халқаро турнирлар ўтказилди. Юртдошларимиз орасидан 300 нафардан кўпроқ спортчилар кураш бўйича жаҳон, Осиё чемпионатлари ва халқаро турнирларнинг ғолиб ва совриндорлари бўлгани бутун халқимизнинг ютуғидир.

2017 йил 20 сентябрда Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Осиё Олимпия кенгашининг 36-Бош ассамблеясида кураш тарихда илк бор XVIII ёзги Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди.

Давлатимиз раҳбари қарорига мувофиқ Кураш халқаро ассоциацияси ташкил топган кун — 6 сентябрь мамлакатимизда "Кураш" миллий спорт тури куни этиб белгиланди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурида ҳам миллий қадриятларимиз, матонат, жасорат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик асосларини ўзида ёрқин мужассам этган ўзбек курашини Олимпия ўйинлари қаторига киритиш, унинг нуфузини янада ошириш ва мустаҳкамлаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шу боис партия билан ҳамкорликда ушбу спорт турини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, курашчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, кураш билан шуғулланиши учун ёшларга қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қиладиган қатор давра суҳбати, тадбир ва мусобақалар ташкил этишимиз мақсадга мувофиқ. Бу миллий спорт тури билан шуғулланувчилар сафини янада кенгайтириш, ўзбек курашининг ўзига хос жозибасини халқаро ареналарда намоён этиш, умуман, спортчиларимизни янги марралар сари руҳлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш кураш миллий спорт турини янада ривожлантириш ва оммалаштириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий ғурур ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодда мардлик, кучли ирода, олижаноблик ва рақибга ҳурмат каби сифатларни шакллантиришга хизмат қилади.

**Гулноза АҲМАДАЛИЕВА,
"Олимпия шон-шуҳрати" музейи директори,
ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси**

Илмий-амалий конференция

# АЁЛ, ОИЛА ВА ЖАМИЯТ

## "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ЭТГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БУ БОРАДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИГА ҚАРАТИЛДИ

***Бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш, уларни давлат ва жамият қурилишининг фаол иштирокчисига айлантириш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.***

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Бундай марраларга эришишда оилада, меҳнат жамоаларида, умуман, жамиятимизда энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш ва мустаҳкамлашда юртимиз хотин-қизларининг донолиги, сабр-қаноат ва матонати, шукроналик, оилага садоқат каби ибратли хусусиятлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди".

Бугун хотин-қизларимиз ҳар жабҳада фаол, ўз ўрни ва овозига эга. Буни Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолияти мисолида ҳам кузатиш мумкин. Улар партия дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш, уни аҳоли орасида кенг тарғиб қилишда фаол иштирок этмоқда. Айни пайтда ЎзМТДП умумий аъзоларининг қарийб 48 фоизи хотин-қизлардан иборат. Ҳудудлар, айниқса, чекка қишлоқларда аёллар билан очиқ мулоқотлар ташкил этиш, уларни қизиқтираётган масалалар, қийнаётган муаммоларни аниқлаш ва ечим топишга кўмаклашиш, ўрганиш ва таклифлар асосида қонунчиликни такомиллаштириб боришда хотин-қизлар фаоллиги муҳим аҳамиятга эга.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг Ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишидаги вазифалар ижросини амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда "Аёл, оила ва жамият: қонун ҳужжатлари ва уларни янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари" мавзусида ўтказилган илмий-амалий конференцияда шу ҳақда сўз борди. Конференцияда ЎзМТДПнинг Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия фаоллари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари вакиллари, олий таълим муассасалари профессорлари, ҳуқуқшунос олимлар, мутахассислар, тадқиқотчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилди.

— Бугун мамлакатимиз хотин-қизлари давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, вакиллик органларида, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва фермерлик тармоқларида, ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қилиб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар, — деди партия етакчиси. — Ҳозирги вақтда улар орасида 15 Ўзбекистон Қаҳрамони, 17 сенатор, 15 Қонунчилик палатаси депутати, 6 академик, 514 фан доктори бор. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 23 фоизидан зиёдини хотин-қизлар ташкил қилади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўз фаолияти давомида юртимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотларга кўмакдош бўлиб келмоқда. Партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари ҳамкорлигида хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини бойитиш, маънавиятини юксалтириш, тадбиркорлик, ҳунармандлик ва касаначилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш юзасидан қатор ҳаётий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг 72 фоизи хотин-қизлардан иборат эканлиги мамлакатимизда гендер сиёсати тўғри амалга оширилаётганидан далолат беради.

ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамиятининг энг муҳим институти бўлмиш оила институтини қўллаб-қувватлаш асосий мақсад-вазифалардан бири сифатида белгиланган. Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, оила ижтимоий ҳаётининг айрим салбий кўринишларига барҳам бериш, оила, мерос, уй-жой даъвоси ва маиший турмуш манбаида туғиладиган бошқа низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, бу борада маҳалланинг хизматидан фойдаланиш, ёш оилаларга ғамхўрлик қилиш, уларга уй-жой бериш ва бошқа иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларида кўмаклашиш, хотин-қизлар ўртасида ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш партиянинг устувор вазифаси саналади.

Конференцияда юқорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш механизмлари, кўзланган натижалар, бу борадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида маърузалар тингланди, соҳага оид қонунларга ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар билдирилди. Халқаро тажриба таҳлил қилиниб, миллий қонунчилигимизда қўллаш мумкин бўлган бир қатор меъёрлар ҳақида фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Ҳомиладор ва вояга етмаган фарзанди бор аёлларнинг меҳнат ҳуқуқи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Соғлом она ва соғлом бола Концепциясини ҳаётга изчил татбиқ этиш, оналар ва болаларнинг тиббий хизматдан фойдаланишини кенгайтиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан жамоатчилик, депутатлик ва парламент назоратини самарали ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

— Аёлларнинг жамиятдаги, давлат ишлари ва оиладаги ролини юксалтириш давлатимизнинг устувор сиёсатидир, — деди Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Норбоева. — Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, оила асосларини мустаҳкамлаш каби масалалар муҳим йўналишлар сифатида белгиланди. Давлат дастурлари ва ҳукумат қарорларида аёл, оила, фарзанд манфаати ҳамиша устувор бўлиб келмоқда. Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари, сайловларда иштироки, парламентда ўз ўрнига эга бўлиши, бошқарув ва ҳокимият идораларида хизмат қилиши тўлиқ кафолатланган. Бунинг натижасида жамиятнинг барча жабҳасида аёллар сафи кенгаймоқда, давлат иқтисодий ва сиёсий бошқарувининг ҳамма босқичида хотин-қизлар фаолият юритаётир.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида мамлакатимизда аҳолининг турмуш шароитини ўрганиш, оилалардаги муаммоларни аниқлаб, уларни ўз жойида бартараф этиш, нафақат шаҳар, балки қишлоқ ва чекка ҳудудларда яшаётган аёллар маънавиятини, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, қишлоқ жойларда меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, кичик бизнес, тадбиркорлик, касаначиликни кенг ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, қишлоқларимизнинг янада обод, кўркам, замонавий тус олиши учун ҳаракат қилишимиз, қишлоқ аҳли маънавиятининг янада юксак бўлишига, аёллар орқали оилада тинчлик, хотиржамлик, барқарорликни таъминлашга эришишимиз даркор.

Конференция ишида эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар, аёллар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг сабаб-оқибатлари ва уларни бартараф этиш масаласи ҳам чуқур таҳлил қилинди. Бу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш, аввало, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, ижтимоий аҳволини яхшилаш билан боғлиқ экани таъкидланди. Уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, бу борада давлат ҳамда нодавлат ташкилотларнинг масъулиятини кучайтириш, ташаббус ва лойиҳаларни амалга оширишда илғор тажрибаларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

— Оила — жамият таянчи. Фарзандларимиз онгида Ватанга бўлган муҳаббат туйғуси оилада, у яшаб турган маҳаллада шаклланади, — деди Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Улуғбек Муҳаммадиев. — Мамлакатнинг эртанги куни, тинч ва обод бўлиши, аввало, мана шу жамиятда ўсиб-унаётган ёшларимизга боғлиқ. Зеро, ёш авлодни жисмонан баркамол, маънан етук, меҳр-оқибатли инсонлар қилиб тарбиялашда оила муҳити муҳим ўрин эгаллайди.

Юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича зарур шарт-шароит яратилган. Хотин-қизлар ҳуқуқларининг кафолатлари Конституция ҳамда амалдаги бир қанча қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Улар ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда жамият ва давлат ишларини бошқаришда, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Маърузаларда билдирилган таклиф-мулоҳазалар мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, жамиятда тарғибот-ташвиқот ишларини янада жадаллаштириш, аҳоли, жумладан, хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданияти ва хабардорлик даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бунда жамоат ташкилотлари, хусусан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси ва, албатта, сиёсий партиялар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш талаб этилади.

Анжуманда "Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда сиёсий партияларнинг ўрни", "Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш — фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили", "Аёл маънавиятини шакллантиришга қаратилган ишлар самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари", "Аёл, оила ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда парламент назоратининг ўрни", "Фарзандлар тарбиясига аёллар маълумот даражасининг таъсири", "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг долзарб масалалари" мавзуларида маърузалар тингланди.

Конференция олти йўналишда ташкил этилган шўъбаларда ўз ишини давом эттирди. Уларда оила ва аёллар масаласига масъул мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда муассасалар раҳбарлари, соҳада амалий ва назарий тажриба тўплаган мутахассислар, олимлар мамлакатимизда оилалар фаровонлигини ошириш, оила ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш, баркамол авлодни тарбиялашда хотин-қизларнинг масъулиятини кучайтириш, уларнинг илғор ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда мазкур йўналишда энг сара лойиҳаларни амалиётга самарали татбиқ этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Миллий қонунчиликда никоҳ ёшининг тенглигини таъминлашга эришиш, мамлакатимизда раҳбар аёлларни тайёрлайдиган махсус ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва бу борада фундаментал тадқиқотларни олиб бориш бўйича ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, ҳар бир давлат корхонасида хотин-қизлар билан боғлиқ ҳолатни доимий ўрганиб бориш юзасидан тизимли мониторингни ташкил этишга эришиш, партия тизимидаги фаол хотин-қизлар орасидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидаги лавозимларга номзодларни тавсия қилишни кенг жорий этиш каби таклиф-тавсиялар шулар жумласидандир. Жумладан, ЎзМТДП фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш ҳолатини танқидий ўрганиб бориш, рақамли технологияларнинг ривожланишини эътиборга олиб, хотин-қизларни масофадан ўқитиш борасидаги таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг АКТ соҳасидаги иштирокини кучайтиришга қаратилган махсус дастурларни ишлаб чиқишга эришиш, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли таъминлаш мақсадида амалдаги қонунчилигимизни инвертаризациядан ўтказиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, халқаро тажриба ва миллий қадриятларимиз асосида янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Конференцияда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш ва оила институтини мустаҳкамлашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масаласи атрофлича муҳокама этилиб, бу борада бир қатор амалий таклифлар билдирилди.

Анжуман доирасида "Аёл, оила ва жамият: қонун ҳужжатлари ва уларни янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари" мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўпламининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тўпламдан экспертларнинг миллий ва хорижий тажриба мисолида хотин-қизлар ҳуқуқларига оид олтмишга яқин таҳлилий мақолалари ўрин олган.

Конференцияда маърузада билдирилган таклифларни амалга ошириш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш ҳамда хотин-қизларга оид миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

## СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Феруза МУҲАММЕДЖАНОВА,
ЎзМТДП Марказий
кенгаши раиси ўринбосари:**



— Илмий-амалий конференция ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш, партия сайловолди Платформасида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила институтини ривожлантириш борасида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этди. Конференция материаллари тўплам шаклида жамланиб, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ижтимоий соҳани ривожлантириш борасидаги вазифалари ижросини амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида тайёрланди. Ушбу тўпламдан ўрин олган материалларда эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар, аёллар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари чуқур таҳлил этилган. Муаллифлар уларнинг олдини олишда аёлларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришда давлат ва нодавлат ташкилотларнинг масъулиятини янада кучайтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратган. Ушбу таклиф ва тавсиялар ЎзМТДП экспертлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан биргаликда ўрганиб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилади.

**Замира ЭСОНОВА,
Тошкент давлат юридик
университети проректори:**



— Одатда миллатнинг ижтимоий соғломлигига аёлларга қай даражада эътибор кўрсатилаётганига қараб баҳо бериш мумкин. Эркин, демократик, кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда хотин-қизларнинг оила, жамият ва давлат бошқарувидаги нуфузи, барча соҳадаги ҳақ-ҳуқуқлари амалдаги қонунларимизда кафолатланган. Асосий қонунимиз — Конституцияда хотин-қизларнинг барча соҳада тенг ҳуқуқли экани эътироф этилган. Мамлакатимизда хотин-қизлар, оила ва фарзандлар манфаати масаласига устувор аҳамият қаратиб келинади.

ЎзМТДП ташкил этган илмий-амалий конференция мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеини юксалтириш, уларнинг интилиш ва қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, турмуш шароитини яхшилаш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом инсонлар қилиб вояга етказиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар учун ҳаётий ва илмий хулосалар чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Бундай вазифаларнинг амалга ошишида давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклик асосида бир ёқадан бош чиқариб фаолият олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

**Дилноза КАТТАХОНОВА,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:**



— Оила — муқаддас даргоҳ, жамиятнинг асосий бўғини. Миллат келажагига дастлаб оилада пойдевор қўйилади, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи авлод шаклланади, миллий маданият, урф-одатлар, ахлоқий-маънавий қадриятлар асраб-авайланади. Оила фарзанд тарбияси ва унинг келажаги учун масъулдир. Соғлом оила муҳитида тарбия топган фарзанд ҳар жиҳатдан баркамол, ўз ҳаётий қарашлари, фуқаролик нуқтаи назарига эга, юрт корига камарбаста бўлиб ҳаётга кириб келади. Бугун Ўзбекистон ёшлар иттифоқи навқирон авлод билан ишлаш, улар муаммоларини ҳал этишда мана шундай фаол ёшлар қатламига таяниб, иш олиб бормоқда. Шунингдек, жойларда уюшмаган ёшлар, хусусан, қизлар билан ишлаш тизими йўлга қўйилди. "Кафолат" жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли, фоизсиз кредитлар ажратиш орқали улар бандлигини таъминлашга киришилди. Бугунги илмий-амалий конференцияда билдирилган таклиф, мулоҳаза ва хулосалар бу борадаги фаолиятимизни янада кенгайтириш, ЎзМТДП билан яқин ва мунтазам ҳамкорлик ўрнатишимиз лозимлигини яна бир бор кўрсатди.

**Ёрқиной ЭРНАЗАРОВА,
Ўзбекистон Хотин-қизлар
қўмитаси бош мутахассиси:**



— Конференцияда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ғояси билан ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мақсад-вазифалар мазмун-моҳияти ва аҳамияти, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, аҳолига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш масалалари атрофлича очиб берилди.

ЎзМТДП ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми бу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Меморандум асосида хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларни миллий қонунчилик, соҳадаги янгилик ва ўзгаришлардан кенг хабардор этиб бориш, моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, улар учун белгиланган имтиёзларнинг тўла ва ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши бўйича ҳамкорликдаги режалар ишлаб чиқилди.

**Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири**

Таҳлил

***Аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, одамларни қийнаётган муаммоларга ечим топишнинг замонавий механизм ва самарали усулларини жорий этиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишига айланмоқда. Одамларнинг дардини эшитиш, оғирини енгил қилиш фуқароларнинг давлат ва жамиятга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.***

# ОДАМЛАР ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ — БАРЧАНИНГ ИШИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девонида ҳам Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича сектор ташкил этилди, ҳудудий партия ташкилотларида худди шу йўналишда ишловчи ходимлар фаолияти йўлга қўйилди. ЎзМТДП фаолиятида жорий этилган мазкур тизим партиянинг жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш ва уларнинг ариза, шикоят ҳамда таклифларини кўриб чиқиш имкониятларини кенгайтириб, электорат манфаатларига дахлдор муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Бунга ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, туман ва шаҳар кенгашлари фаолияти мисолида ҳам амин бўлиш мумкин. Мурожаатларни кўриб чиқишда асосий эътибор масалани жойида тезкор ва сифатли ҳал этишга қаратилаётир.

— Аҳолининг ҳар бир мурожаатини атрофлича ўрганиб, имкон қадар ўз вақтида ҳал этишга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси Мажид Мурзамбетов. — Жорий йилда партия Қорақалпоғистон Республикаси ташкилотларига фуқаролардан келиб тушган 105 мурожаатнинг 57 таси ижобий ҳал этилиб, 35 таси юзасидан мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юборилди, қолганлари бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Аҳолидан келган мурожаатлар таҳлилига кўра, уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратиш, газ, электр энергияси ва сув таъминоти, иш ҳақи, пенсия, болалар нафақаси, банк-молия, бандлик, коммунал хўжалиги, таълим ва тиббиёт соҳалари, тадбиркорликка оид масалалар кўпроқ зикр этилган. Бу масалаларни ҳал этиш учун аниқ чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

Таъкидлаш жоиз, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири туради. Бинобарин, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган. Бу жараёнда хотин-қизларнинг тадбиркорлик борасидаги ташаббуслари қўллаб-қувватланаётгани, бунинг учун кредитлар ажратилаётгани уларнинг ишбилармонлик салоҳиятини юзага чиқариш имконини бераётир.

— Мен паррандачилик билан шуғулланиш мақсадида банкдан имтиёзли кредит олишда ёрдам сўраб ЎзМТДП Қанликўл туман кенгашига мурожаат этдим, — дейди Қанликўл тумани Халқлар дўстлиги кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Омонгул Бобожонова. — Партия ходимлари менга бизнес режа тузишда ёрдам берди ҳамда уларнинг кўмаги билан "Халқ банки" АТБнинг Қанликўл филиалидан имтиёзли кредит олиб, туманда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйдим.

ЎзМТДП Тахтакўпир туман кенгашига мурожаатдан сўнг анчадан буён ўз мутахассислиги бўйича иш топа олмаётган "Ойдин йўл" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Ислом Бекниязовнинг муаммоси ҳам ижобий ечим топди.

— Олий ўқув юртини тугатгач, вақтинча ишсиз юрган эдим, — дейди Ислом Бекниязов. — Иш топиш осон бўлмади. Қаранг, туман партия ташкилотига мурожаат қилгач, бу масала дарров ҳал этилди. 13-умумтаълим мактабида ишлайдиган бўлдим. Мутахассислигим бўйича ишга жойлашишимда амалий ёрдам бергани учун партиядан миннатдорман.

Шуманай тумани "Бегжап" овул фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Дилором Жарилқағанова фуқаролик паспортини олишда юзага келган сансалорликдан норози бўлиб мурожаат қилган.

— Фуқаролик паспортимнинг муддати тугаб, уни алмаштириш учун Шуманай туман ички ишлар бўлимига зарур ҳужжатларни топширдим, белгиланган тўловларни ҳам амалга оширдим, — дейди Дилором Жарилқағанова. — Лекин туман ички ишлар томонидан берилган паспортда фамилиямни ёзишда хатоликка йўл қўйилган экан. Бу борада туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилганимда яна қайтадан ҳужжат топшириш ва тўловни амалга ошириш лозимлигини айтишди. Мен уларнинг масъулиятсизлиги оқибатида яна қайта тўловга имкониятим йўқлигини билдирдим. Шундан сўнг мазкур масала юзасидан партия туман кенгашига мурожаат қилгандим, шу пайтгача ҳал этилмаган муаммо тезда ҳал бўлди: мутасаддилар биометрик паспорт олишимни ўрнатилган тартибда қонуний ҳал қилиб берди.

Бугун мамлакатимизда эл-юртга наф келтираман, деган борки, кам бўлмаяпти. Уларнинг кўмагида аҳолининг турли муаммолари ижобий ҳал этилмоқда. Қишлоқ ва маҳаллалардаги ички йўлларга асфальт ётқизилиб, қайта таъмирланмоқда, кенг, равон йўллар қурилмоқда.

— Маҳалламиз ҳудудидан ўтган асосий кўча анчадан буён таъмирталаб бўлиб қолган эди, — дейди "Наврўз" овул фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Шарап Баўенов. — Партия Қанлиқўл туман кенгашига мурожаатимиз ижобий ҳал қилинди. Кўчамизда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бунда халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Мақсад Жуманиязовнинг саъй-ҳаракати алоҳида эътирофга лойиқ. Аҳоли мурожаатларининг тезкор ва жойида ҳал этилишига хизмат қиладиган бундай самарали тизим йўлга қўйилганидан одамлар мамнун.

Фуқароларнинг доимий иш ўрни ҳамда даромад манбаига эга бўлиши, ўз меҳнати билан жамиятда муносиб ўрин топишида муҳим аҳамият касб этаётир.

— Ҳунарли бўлишни жуда хоҳласамда, имкониятим йўқлиги боис уйда бекор ўтирган эдим, — дейди Нукус шаҳри "Шигиз" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Фотима Жуманазарова. — Партия шаҳар кенгаши ташаббуси билан Ажиниёз номидаги педагогика институти қошида ташкил этилган "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида тикувчилик тўгарагига қатнашгач, менинг ҳам истагим амалга ошди. Энди уйимда тикувчилик билан шуғулланиб, даромад топадиган бўлдим...

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин ва уларнинг барчаси бизга бир ҳақиқатни англатади: Президентимиз ғояси асосида ташкил этилган бундай тизим халқ билан фаол, очиқ ва ошкора мулоқот олиб бориш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашнинг замонавий, самарали ва таъсирчан механизмига айланиб бормоқда. Энг аҳамиятлиси, бу юртимизда инсон манфаати ҳар нарсадан устун қўйилгани, унинг ҳақ-ҳуқуқлари тўла таъминланаётганидан далолатдир.

**Усмон АБДУРАСУЛОВ,
ЎзМТДП Марказий
кенгаши Ижроия қўмитаси
девони етакчи мутахассиси**

Кўрик-танлов

# XXI АСР АЁЛИ — ҲАР ЖАБҲАДА ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР

## "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

**< Давоми.**
**Бошланиши 1-бетда.**

Мазкур кўрик-танлов ҳар йили мингдан ортиқ истеъдодли хотин-қизларни кашф этишга хизмат қилмоқда. Бу нафақат партия "Аёллар қаноти" таркибида билимли, истеъдодли захира кадрлар салмоғини оширишда, балки халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар орасида хотин-қизларнинг муносиб ўрин эгаллашларида ҳам катта аҳамият касб этмоқда. 2009 йилда кўрик-танловда иштирок этганлар ва хайрихоҳлар 3 мингдан зиёдни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 7 минг, 2011-2015 йилларда 22 минг, 2016 йилга келиб эса 13 минг 450 нафарга етди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2009-2016 йилларда кўрик-танловда иштирок этган хотин-қизларнинг 40 фоизи айни пайтда давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларида фаолият олиб бормоқда.




Бу йил кўрик-танлов янги кўринишда — "XXI аср аёли" номи билан ташкил қилиниб, иштирокчилар ўтган йиллардагидан фарқли ўлароқ, "Партия — менинг тақдиримда", "Агар мен депутат бўлсам..." ва "Қонунчиликка менинг таклифим" каби шартлар бўйича ўзаро беллашдилар.

Кўрик-танловнинг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган республика босқичини ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очди.

— 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш каби вазифалар партиямиз зиммасига ҳам катта масъулият юклайди, — деди партия етакчиси.

— Партиямиз сайловолди Платформасида ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оила ва жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, уларни тадбиркорлик, ҳунармандлик фаолиятига кенг жалб этиш каби мақсадлар ўз ифодасини топган. Партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мунтазам ўтказиб келинаётган мазкур кўрик-танлов партиямиз сафидаги хотин-қизлар орасидан сиёсий етакчиларни аниқлаш ва келгусида барча даражадаги депутатлик ўринларига номзодларни шакллантиришга хизмат қилади. Танловнинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётгани, иштирокчилар сафи ҳам турли йўналишда катта ютуқларни қўлга киритган, жамиятда, партиямиз ҳаётида ўз ўрни ва мавқеига эга фаоллардан иборат эканлиги алоҳида эътиборга молик.

Партиянинг "Аёллар қаноти" амалга ошираётган бу каби амалий лойиҳалар натижасида сўнгги беш йилда ЎзМТДП сафида хотин-қизлар сони 40 мингга кўпайди. Айни пайтда 200 мингдан ортиқ партия аъзоларининг 47,7 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда. 2014 йилда маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловда ЎзМТДПдан сайланган хотин-қизлар 25 фоизни ташкил этди. Умид қиламизки, бугунги танлов иштирокчилари орасидан ҳам келгусида депутатлар, сиёсий етакчилар етишиб чиқади.

Кўрик-танловда юртимизнинг барча ҳудудидан республика босқичига қадар етиб келган 14 иштирокчи уч шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Дастлабки "Партия — менинг тақдиримда" шарти бўйича ҳар бир иштирокчи ЎзМТДП ҳаёти ва лойиҳаларидаги иштироки, партия ташкилотлари ва депутатлар билан ҳамкорликдаги амалий саъй-ҳаракати, "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури доирасида олиб бораётган ишлари, ЎзМТДП уларга ўз мақсадлари йўлида қанот бағишлагани каби масалаларга эътибор қаратдилар. Ҳар бир шарт бўйича тайёрлаб келинган слайд ва қўлланмалар тадбир қатнашчилари, ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этилди.

"Агар мен депутат бўлсам..." шарти бўлажак сиёсий етакчиларнинг ўзига хос таклифлари, янги ғояларга бой бўлди. Бир иштирокчи "агар депутат бўлсам, китобхонликни янада кенг тарғиб этиш мақсадида жойларда book-cafeлар ташкил этиш ғоясини илгари сураман", деса, бошқаси оилалардаги ажримларнинг олдини олиш чораларига эътибор қаратишини ёхуд туризм, ҳунармандликни ривожлантириш борасида аниқ ва ҳаётий таклифларини билдирди.

Иштирокчи қизларнинг учинчи шарт юзасидан амалдаги қонунчилик ва ЎзМТДП Дастурига берган таклифлари ҳам бир-биридан фарқ қилиб, бугунги долзарб масала-муаммолар ечимига қаратилди.

— Хотин-қизлар ўртасида ташкил этиб келинаётган ушбу кўрик-танлов иштирокчиларнинг салоҳияти анча юқори, ижтимоий фаол, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси, кўрик-танлов ҳайъати аъзоси Жуманазар Отажонов. — Шахсан мени иштирокчиларнинг келажакда депутат сифатида амалга оширишни режалаштирган аниқ мақсадлари, қонунчилик юзасидан билдирган таклиф ва ғоялари эътиборимни тортди. Хотин-қизлар манфаатлари ўз аксини топган қатор қонунлар, Оила, Меҳнат кодекслари бўйича билдирилган таклифлар иштирокчиларнинг ўз фаолияти давомида гувоҳ бўлган, хотин-қизлар ҳаётида дуч келинаётган муаммолардан келиб чиқилган бўлиб, уларда хотин-қизларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирокини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшларнинг китобга бўлган қизиқишларини янада ошириш, тўй-маъракаларда ортиқча дабдабабозликка йўл қўймаслик, аёллар ўртасидаги жиноятчиликка қарши курашиш йўлидаги ишларни ислоҳ этиш мақсади илгари сурилган.

Иштирокчиларнинг чиқиши ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди. Қорақалпоғистонлик иштирокчи — Элликқалъа тумани санъат ва педагогика коллежи мусиқий таълим йўналиши ўқитувчиси, ЎзМТДП фаоли Шаҳноза Шарипова биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, Навоий давлат педагогика институтининг математика ўқитувчиси, ЎзМТДП фаоли Нафиса Ибодуллаева иккинчи, ЎзМТДП Когон шаҳар кенгаши раиси Дилшода Воҳидова учинчи ўринга сазовор бўлди. Иштирокчилар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашининг эсдалик совғалари ва дипломлари билан тақдирланди.

Кўрик-танловнинг иккинчи куни ғолиблар, иштирокчилар ва партия фаоллари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, буюк давлат арбоби ҳайкали пойига гул қўйди. Биринчи Президентимиз ўз фаолияти давомида аёл зотига, мамлакатимиз хотин-қизларига юксак ҳурмат, доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келгани мамнуният билан қайд этилди.

Шундан сўнг улар Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб, ЎзМТДП фракцияси аъзолари билан учрашдилар, парламент ва фракция фаолияти билан танишдилар. "Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида хотин-қизларнинг ўрни ва роли" мавзусидаги очиқ мулоқот доирасида мамлакатимизда хотин-қизларга доир қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, оилавий қадриятлар, уларнинг сиёсий ҳаёт ва сайлов жараёнидаги иштироки хусусида фикр алмашилди.

## КЎРИК-ТАНЛОВ ТААССУРОТЛАРИ:

**Зумрад БЕКАТОВА,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси,**
**кўрик-танлов ҳайъати раиси:**



— "XXI аср аёли", деб номланган кўрик-танловда иштирок этган ҳар бир иштирокчи унинг номига ҳам, талабига ҳам муносиб, деб айта оламиз. Иштирокчилар илгари сурган ҳар бир таклиф, депутат сифатида қандай ташаббусларни амалга ошириши мумкинлиги борасидаги мақсадлари ҳайъат аъзоларининг эътиборини қозонди. Шу боис уларни баҳолаш ва саралаш анча қийин кечди. Аслида кўрик-танловнинг туман, шаҳар, вилоят босқичларидан ўтиб, республика босқичига чиққан ҳар бир иштирокчи ғолиб. Аммо бунда асосий мақсад ким ғолибу ким мағлуб эканлиги эмас, балки хотин-қизларимизнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш, партия сафини ана шундай салоҳиятли вакиллар билан тўлдиришдан иборат. Шу маънода бугунги тадбир ўз олдига қўйган мақсадга эришди, дея оламиз.

**Шаҳноза СУЛТОНОВА,**
**ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бош мутахассиси:**



— Партиямиз сафидаги хотин-қизларнинг маънавий, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш, улар орасидан истеъдодларни кашф этишга қаратилган мазкур кўрик-танлов мамлакатимиз хотин-қизларининг сиёсий жараёнларга бўлган қизиқишини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда, юртимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларга кўмакдош бўлаётир. Партиямизнинг энг самарали лойиҳаларидан бир бўлган ушбу кўрик-танловнинг бу йилги барча босқичи юқори савияда ташкил этилди. Республика босқичида ҳам иштирокчи қизлар ўзига бўлган ишонч, дадиллиги ва сиёсий-ҳуқуқий билимларини намоён этиб, шартлар давомида амалий ва ҳаётий таклифларни илгари сурдилар. Уларнинг юз-кўзларида, сўзларида мамлакатимиз сиёсий ҳаётида, партиямиз фаолиятида ўз ўрнига эга бўлишдек юксак мақсадлар акс этиб турди.

**Шаҳноза ШАРИПОВА,**
**кўрик-танлов ғолиби (1-ўрин),**
**Қорақалпоғистон Республикаси:**



— ЎзМТДПнинг ҳар бир лойиҳа ва форумида фаол иштирок этишга ҳаракат қиламан. "XXI аср аёли" кўрик-танлови партия фаолиятида янги ташаббус ва ғояларни амалга оширишга ундади. Бугунги тадбир асносида партия Дастурига ҳамда амалдаги қонунчиликка ўз таклифларимни баён қилдим. Албатта, кўрик-танловга тайёргарлик кўриш давомида кўплаб ҳуқуқий адабиётларни ўқидим, партия дастурий вазифаларини янада чуқур ўргандим, депутатлар билан ҳамкорликда ишлаб, уларнинг маслаҳатларини олдим. Тадбир давомида эса юртимизнинг барча ҳудудидан ташриф буюрган партиядошларим билан фикр алмашиш имконига эга бўлдик. Бу эса, ўз навбатида, сиёсий-ҳуқуқий билимларим ошишига, тажрибам ортишига хизмат қилади.

**Нафиса ИБОДУЛЛАЕВА,**
**кўрик-танлов совриндори (2-ўрин),**
**Навоий вилояти:**



— "Агар мен депутат бўлсам..." шартида ҳар биримиз, аввало, ўз ҳудудимизга тааллуқли таклиф ва ташаббусларни илгари сурдик. Тўғри-да, депутат биринчи навбатда ўзи яшаб турган ҳудуддаги муаммо ва масалаларни билиши ва ҳал қила олиши керак. Бу давлатимиз раҳбарининг парламент аъзолари ва сиёсий партиялар вакиллари билан бўлган учрашувида ҳам алоҳида таъкидланган эди. Мазкур шартда мен вилоятимизнинг ўз театри бўлиши кераклиги, вилоятимизга буюк бобомиз Навоий номи берилгани боис ҳудудимизга кириш жойида ҳазрат Навоий расми ифодаланган белги ёхуд ҳайкалини ўрнатиш таклифини билдириб, бу борада ўз ғояларимни тақдим этдим. Бундан ташқари, депутат бўлсам, ҳудудимизда улуғ шоирнинг рамзий қабрини ташкил қилиш, бу ерни сайёҳлар ташриф буюрадиган маданий-маърифий объектга айлантириш борасида ташаббус кўрсатишимни билдирдим. Кўрик-танлов шарти асосидаги бу таклифларим ҳам вилоятимиз маънавий-маданий ҳаётига, ҳам партия дастурий мақсадларига ҳамоҳанг эканлиги билан муҳим, деб ўйлайман.

**Дилшода ВОҲИДОВА,**
**кўрик-танлов совриндори (3-ўрин),**
**Бухоро вилояти:**



— ЎзМТДПнинг мазкур лойиҳаси хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларда эркин фикр ва мустақил позицияни шакллантиришга хизмат қилади. Бу йил кўрик-танловнинг шартлари янада чуқурлаштирилиб, ҳар бир иштирокчини амалий, ҳаётий таклифлар ишлаб чиқишга, ўз устида янада ишлашга чорлади.

Бир неча йилдан буён ЎзМТДП Когон шаҳар кенгашида фаолият олиб бораман. Бу йил давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илгари сурилган халқ билан мулоқот қилиш тизими асосида партиямиз ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари ҳам турли ҳудудларда бўлиб, оддий одамларнинг ташвиш-муаммоларини ўрганмоқда. Ана шу жараёнларда фаол иштирок этиб, хотин-қизларни ўйлантираётган масала-муаммоларга алоҳида эътибор қаратиб келаман. Кўрик-танловда фаолиятимиз давомида дуч келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича тегишли ҳуқуқий ҳужжатларга ўз таклифларимни бердим. Партиямизнинг ушбу лойиҳаси ана шундай ҳаётийлик касб этаётгани, амалий натижа бериши билан аҳамиятлидир.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# ЭЗГУ ҒОЯЛАР ЁШЛАРГА ҲАМРОҲ

## "НАВОИЙ ВОРИСЛАРИ" КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧЛАРИ КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТМОҚДА

***Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши халқимиз, айниқса, ёш авлодда китобхонлик маданиятини юксалтиришга, аждодларимизнинг бой маънавий меросидан баҳраманд бўлишига хизмат қилаётир. Китоб ишқибозларининг хайрли ишлари ва ташаббусларига қанот бағишламоқда.***

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган "Навоий ворислари" кўрик-танлови ҳам давлатимиз раҳбарининг мазкур фармойиши ҳамда партиянинг маънавий-маърифий соҳадаги вазифалари ижросини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Зеро, инсониятнинг шу кунгача босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўли эзгу мақсадларга фақат узлуксиз маънавий тарбия билангина эришиш мумкинлигини исботлаган. Шу маънода, Алишер Навоий ижоди инсониятни ҳамиша камолотга ундайдиган, замонлар оша ҳам бадиий, ҳам тарбиявий қиймати ва долзарблигини йўқотмайдиган бебаҳо меросдир.

* * *

Термиз шаҳрида "Навоий ворислари" кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

ЎзМТДП вилоят кенгаши ва вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Кўрик-танлов Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарлари мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёш авлод онгу шуурига чуқур сингдириш, буюк аждодимизнинг маънавий меросини кенг оммалаштиришга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Танловда туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 14 ўқувчи энг кўп ғазал ёд олиш, ғазални ифодали ўқиш, ғазал матнининг насрий баёни (ёзма шарҳи)ни ярата олиш, ғазал матнидаги тушуниш қийин бўлган сўзларни изоҳлаш каби шартлар бўйича билим ва маҳоратини синовдан ўтказди.

Танлов шартлари бўйича ғолиб чиққан Шеробод туманидаги 56-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Моҳичеҳра Абраҳматова партия Сурхондарё вилоят кенгашининг дипломи ҳамда эсдалик совғаси билан тақдирланди.

— Алишер Навоий ўзбек халқи маънавияти юксалишига ғоят кучли таъсир кўрсатган, инсонийлик, тинчликсеварлик, юртпарварлик, маърифатпарварлик ғояларини тараннум этган буюк ижодкордир, — дейди Моҳичеҳра Абраҳматова. — Шоир асарларини ўқиш-ўрганиш халқимизни ана шундай қадриятлар руҳида камол топтиради. Биз, ёшларнинг юртга содиқ, фидойи, комил инсонлар бўлиб улғайишимизда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир доирасида рассомларнинг ижод намуналари, нодир китоблар ва миллий ҳунармандлик буюмлари кўргазмаси ташкил этилди.

* * *

"Навоий ворислари" кўрик-танловининг Хоразм вилоят босқичи ҳам қизғин руҳда ўтди. ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Ғафуржон Юсупов ва бошқалар мамлакатимизда буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, унинг юксак инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган асарлари мазмун-моҳиятини навқирон авлод онгига сингдириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

— Шарқ адабиёти, хусусан, ўзбек мумтоз адабиёти тарихида Алишер Навоийнинг ижодий фаолияти ўзининг серқирралиги билан алоҳида ўрин тутади, — дейди ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши раиси ўринбосари Муҳаббат Тўрабоева — Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва улуғлигини англаш туйғуси халқимиз онгу шуурига, қалбига, аввало, Навоий асарлари билан кириб келади. Зеро, Навоийни англаш, унинг фалсафий, ахлоқий, маданий-маърифий мушоҳадаларга бой асарларини ўқиш ва тушунишнинг ўзи улкан саодатдир.

Танловни ўтказишдан мақсад Навоий ижодини том маънода халқ мулкига айлантириш ҳамда халқ таълими тизимида жонбозлик кўрсатаётган она тили ва адабиёт ўқитувчилари, аълочи ўқувчиларни рағбатлантиришдан иборатдир.

Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, Қўшкўпир туманидаги 51-мактаб ўқувчиси Зебунисо Омонбоева барча шартлар бўйича ғолиб чиқиб, кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

— Навоий ижоди битмас-туганмас хазина, — дейди Зебунисо Омонбоева. — Маънавий баркамол, иймон-эътиқодли, ахлоқий пок шахс тарбияси тобора долзарб аҳамият касб этаётган бугунги кунда улуғ шоир асарларига бот-бот мурожаат қилиш, уни ўқиш, ўрганиш кундалик эҳтиёжга айланмоғи зарур.

* * *

Дарҳақиқат, Алишер Навоий адабий мероси — бебаҳо маънавий хазина. Буюк мутафаккирнинг беназир шахси ҳамиша эъзоз ва эътиборда.

Бундай муҳаббат ва ҳурмат туйғуси Қибрай туманидаги Дўрмон маданият саройида бўлиб ўтган "Навоий ворислари" кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичида ҳам ўз ифодасини топди.

Буюк мутафаккир ҳаёти ва ижодини ўрганиш, унинг юксак инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган асарларини мутолаа қилиш ёш авлод қалбида Ватанни, миллий қадриятларимизни улуғлаш туйғусини янада кучайтириши ва уларни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилиши таъкидланди.

Иштирокчилар шоир ижодидан намуналар ўқиш жараёнида Алишер Навоий асарларининг ёшлар таълим-тарбиясидаги ўрни, уларда илгари сурилган шарқона одоб, ибо, мардлик ва жасорат, эл-юртга садоқат, ота-онага ҳурмат, муҳаббат ғоялари нечоғлик аҳамиятли эканлигига эътибор қаратди.

Юқори Чирчиқ туманидаги 15-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Нилуфар Усмоналиева биринчи ўринни қўлга киритиб, танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— "Навоий ворислари" кўрик-танлови ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтириш борасидаги йирик лойиҳалардан биридир, — дейди Нилуфар Усмоналиева. — Тадбир менда катта таассурот қолдирди, қолаверса, вилоятимизда буюк бобомиз асарлари билимдонлари, тенгдошларим кўплигидан қувондим, Навоий мероси бизни, аввало, ота-боболаримиз йўлини муносиб давом эттиришга, ҳамиша эзгулик яловини маҳкам тутишга, маънавий камолот ва саодатга интилиб яшашга ўргатади.

**Нигора НИШОНБОЕВА,**
**Азамат САФАРОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбирлари**

Янги лойиҳа: "Ўзлик ҳақида суҳбат"

# “СЕН ЎЗИНГНИ ТОНИМАС ЭРМИШСАН, ЎЗ СЎЗИНГНИ ТОНИМАС ЭРМИШСАН...”

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ БИЛАН СУҲБАТ

**< Давоми.**
**Бошланиши 1-бетда.**

Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бугунги дунё ёшлари — сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир”.

“Миллий тикланиш” демократик партиясининг Дастурида баён қилинган ғоялар, қарашлар маърифатпарвар аждодларимиз қарашларидан, ўз олдига қўйган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий мақсадларидан келиб чиққан, десак хато бўлмайди. Чунки, миллий тикланиш янги ғояга эга бўлган куч ҳисобланади. Ижтимоий фикр сарҳадларида бўй кўрсатган бу ғоя аждодлар илгари сурган ғояларга томирлари билан туташди. Миллий тикланиш ғоясини илгари суриш, барқарор миллий ривожланишни таъминлаш ғоясига бугун халқимиз онгли равишда хайрихоҳлик билдираётгани, ЎзМТДПга аъзо бўлаётгани унинг ўзлигини тобора англаб бораётганидан далолат.




Инсон, айниқса, ёшлар зўравонлик ғоялари “вируси”га чалинмаслиги, мафкуравий хуружлардан соғ-омон ўтиши учун унда ўзликни англаш туйғуси кучли бўлиши керак. Ўз сайловолди Платформасида фуқароларда миллий ўзликни англаш туйғусини кучайтириш, уларда “Биз ким эдик ва бугун қандай даражага эришдик, қандай бебаҳо қадриятларга ворисмиз?” деган саволларнинг жавобини чуқур англашга имкон яратиш мақсадини белгилаган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси бу борада янги, таъсирчан ғояларни илгари суришга интилмоқда. Партия нуқтаи назарича, миллий ўзликни англаш мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутади, миллий онг инсонда Ватанга муҳаббат ҳис-туйғусини оширишда, ҳар томонлама комил инсон шахсини тарбиялашда бебаҳо ички омилдир.

"Миллий тикланиш" газетаси таҳририяти партия Марказий кенгаши билан ҳамкорликда ишлаб чиққан янги **“Ўзлик ҳақида суҳбат”** лойиҳаси ушбу дастурий мақсад-вазифалар рўёбига қаратилган. Мазкур лойиҳанинг дастлабки меҳмони — партия фахрийси, таниқли адабиётшунос олим, моҳир таржимон, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Иброҳим Ғафуров бўлди. Устоз билан ўзлик ҳақидаги суҳбатни таниқли ёзувчи, ЎзМТДПнинг яна бир фахрийси Хуршид Дўстмуҳаммад олиб борди, унда партиямиз фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

**Хуршид Дўстмуҳаммад: — Ўзлик мавзуси шу қадар қадимий ва теранки, уни бир суҳбатда қамраб олиш ниҳоятда мушкул. Ўзлик муаммоси шу қадар долзарбки, унинг аҳамияти ҳақида истаганча баҳслашиш мумкин. Бугунги янги лойиҳанинг “Қатағон қурбонлари хотираси” музейида ташкил этилишида ҳам ўзига хос маъно бор...**

**Иброҳим Ғафуров:** — Албатта, бу маконда қатағон жабрини чеккан ватандошларимиз — халқимиз озодлиги, юртимизнинг ҳақиқий маънодаги мустақиллиги учун жон берган инсонлар — Абдулла Қодирий, Чўлпон, Беҳбудий, Фитрат ва уларнинг минглаб сафдошлари руҳи кезиб юради. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг мана шу маконни обод қилиб, унинг яратилишида бош-қош бўлганини тарих ҳеч қачон унутмайди. Боиси аждодларнинг сиймоси, амалга оширган буюк ишлари, йўқолиб кетган асарларини топиб, халқимизга қайтарган инсонларнинг хизматлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Бу жой ёшлар учун энг улуғ тарбия маскани ҳисобланади. Ўзига хос маърифий-тарбиявий масканда навқирон авлод миллий руҳ, миллий ўзлик, миллий озодлик нима эканини англаб етади. Нима учун маърифатпарвар боболаримиз, буюк аждодларимиз ҳаёти таҳдиду тазйиқлар остида қолганини шу ерда тушуниб етади. Ушбу тасаввурлар кўплаб ёшлар юрагига муҳрланиб, қалбида аждодларга муносиб бўлиш, уларга эргашиш туйғуси пайдо бўлади.

Маърифатпарвар боболаримизнинг қилган ишлари, яратган асарлари миллатимиз эрки, келажаги, тинчлиги, юртимиз дунёда муносиб обрў-эътиборга эга бўлиши учун қўйилган пойдевордир. Халқимизда “жонини тикди”, “жонини фидо қилди”, деган ибора бор. Халқимизнинг озод бўлиши йўлида ҳақиқий маънода жонини тиккан аждодларимизнинг жони худди сиз билан бизнинг жонимиздек ширин бўлган, бу жондан айрилиш машаққатли ва жуда қийноқли бўлган. Улар фақат ўз манфаатлари учун курашмасдан, тақдирларини халқ тақдири, эрки, маърифати, қадриятлари билан чамбарчас боғлашган. Мустабид тузум “машинаси” қанчалар қудратли ва аёвсиз бўлмасин уни ағдариш, барбод қилиш, йўлини тўсиш туйғуси билан яшаганлар. Бу фикрларни ёшлар онгу шуурига сингдириш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

Партия фахрийси сифатида аввалги “Миллий тикланиш” демократик партияси билан бугунгиси ўртасида сезиларли фарқ борлигини таъкидламоқчиман. Бугун партияда маънавий-маърифий соҳада электорат ва ёшлар билан ишлашда янги тизим яратилди. Партиянинг қанчалик юксалгани, ғоялари етилгани, уларнинг аҳолига сингаётгани хайрихоҳлар сафи ортиб бораётганида яққол сезилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев парламент палаталари ва сиёсий партиялар вакиллари билан бўлган учрашувда сиёсий партиялар фаолиятидаги камчиликларни рўй-рост айтиш билан бирга уларнинг ғояларини ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш муҳимлигига эътибор қаратди. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки ЎзМТДП ғояларининг тўла амалга ошиши халқимиз маънавий юксалишида муҳим аҳамиятга эга.

**Хуршид Дўстмуҳаммад: — Ҳар бир инсон дунёга келар экан, биологик мавжудот сифатида ўзини англай бошлайди. Аста-секин бешикка, кейин беланчакка тушади, супага чиқади, секин ҳаракатланиб, ҳовлига, кўчага интилади. Атрофдагилари, қўни-қўшни, маҳалласини танийди. Ўқийди, саводи чиқади, жамият аъзосига айланади. Бир қарашда оддий туюлган бу ҳолат аслида биологик мавжудотдан ижтимоий шахс юксаклиги томон қўйилган қадамдир...**

**Иброҳим Ғафуров**: — Бу ўринда, аввало, индивид билан шахс тушунчаларини фарқлаш лозим. Биологик индивид билан шахс ўртасида нозик фарқланишлар мавжуд. Индивид — бир қавм, бир жамиятга дахлдор бўлган шахсни англатади. Индивид шахсга айлана боради. Шахс эса ўзининг ҳақиқий маънодаги инсоний характерига эга бўлган, жамият, дунё, инсон тараққиёти ҳақидаги қарашлари шаклланган, нуқтаи назари мустаҳкам бўлган, ўсишга мойил, қобил бўлган инсон. Шахс ижтимоий ҳаракатларнинг ичида фаол қайнайди, ўзининг фаол томонларини кўрсата олади, ўз олдига мақсад қўйиб, унга эришади, жамият тараққиётига хизмат қилади.

Фуқаролик жамияти ривожланаётган мамлакатимизда бугун ижтимоий шахсларнинг ривожланиши учун керакли муҳит, шароит яратилган. Ўзбекистонда миллий маърифатга асосланган, инсонларнинг иқтидор ва қобилияти, интилишларини рўёбга чиқариш, унинг камолоти учун ҳеч нарсани аямайдиган жамият барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари яқинда БМТ Бош Ассамблеясининг сессиясида беш йилга мўлжалланган Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг аҳамияти, мундарижаси ҳақида гапириб, у мамлакатимизда кенг кўламли янгиланишлар учун муҳим асос бўлаётганини таъкидлади. Унинг замирида халқимиз, қолаверса, шахс манфаати мужассам. Президентимиз ушбу нутқида икки йирик масала — ёшлар ва диний бағрикенглик масаласини илгари суриб, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини қабул қилиш таклифини билдирди. Бу икки ғоя замирида ҳам шахсларни, ёш авлодни камол топтиришга бўлган юксак интилиш мужассам.

Бугун ўн миллиондан ортиқ ёшлар жамиятнинг фаол аъзосига айланиб, ўқиш ва ишда, ижтимоий ҳаракатда майдонга чиқиб бормоқда. Бу катта куч. Миллионлаб юраги алангa бўлиб ёнаётган, ақли тўлишиб, эзгу ғоялардан куч олаётган ёшлар кучидан унумли фойдаланиш, уларни жамият ҳаётига олиб кириш осон битадиган иш эмас. Бу иш барчамиз, жамиятнинг ҳар бир аъзосидан катта масъулият талаб қилади. Президентимиз юксак минбардан туриб ёшларни турли зўравонликлардан асрашимиз, муаммоларни зўравонлик билан ҳал қилишга йўл қўймаслигимиз керак, деб айтди. Дарҳақиқат, бугун ёш авлодни демократия билан пардаланаётган бузғунчиликлардан асрай олсак, навқирон авлод халқи учун фойда келтириш мақсади билан яшаса, ана шунда ўн миллион ёш ҳақиқий маърифатли, юксак тафаккурли, ўз олдига қўйган мақсадига ета оладиган кучга айланади.

**Хуршид Дўстмуҳаммад: — Ижодий асарларингизда шахс миллий ўзлигини англашга тўсқинлик қиладиган омиллардан бири хабарсизлик, деб таъкидлагансиз. Хабарсизлик муаммосидан қутқариш орқали инсоннинг инсонлигини, шахснинг шахслигини, ўзбекнинг ўзбеклигини асраб қолиш мумкин. Хабардорлик ва хабарсизлик борасидаги қарашларингиз ҳақида билмоқчи эдик...**

**Иброҳим Ғафуров:** — Ўзлик ҳақида Навоий ҳазратлари кўп ва хўп фикрларни айтганлар. Унинг “Сен ўзингни тонимас эрмишсан, ўз сўзингни тонимас эрмишсан” байти ўзликни англаш инсон ҳаётида нақадар муҳим эканини билдиради. Ушбу байтда ҳам инсон ўзини билиш орқали бошқа одамларни билиши, тушуниши, уларнинг мақсадларини ўз манфаатидай англаши ҳақида гап кетмоқда. Ўзини ўзи танимаган, ўзига ўзи баҳо бера олмайдиган одам бошқаларни танимайди, қадрлай олмайди, ҳурмат-эътиборини жойига қўймайди. Ўзини танимаган одам хабарсизлик оқибатида фақат ўз манфаатини билиб, бошқалар манфаатини инкор этади. Хабардорлик эса инсон камолотининг даражасини белгилаб беради. Содда қилиб айтганда, хабардор инсон оқ-қорани тушунади, яхши-ёмонни ажратади, ёмонликни инкор қилади, яхшиликни устувор деб билади. Яхши ишларни, эзгу фазилатларни оиласи, иш ва ўқиш жойида тарғиб қилади. Бу — хабардорлик ва ўзини ўзи танишнинг энг юксак даражага эга бўлган формуласи.

Хабарсизлик муаммосидан қутулишнинг асосий омилларидан бири мутахассисликка, касб-корга эга бўлишдир. “Миллий тикланиш” демократик партияси Дастурида ҳам ёшларни мутахассислик ва касб-кор эгаллашга кўмаклашиш муҳим вазифа қилиб қўйилган. Мутахассис бўлиб етишиш, ихтисос эгаси бўлиш — хабардорликнинг биринчи даражаси. Ихтисосга эга бўлган ёш кўзи ёришган, ақли тўлишган бўлади, нотўғри қадам босмайди, ўз соҳасини мукаммал билиб, одамларга фойда келтиради. Яхши мутахассис бўлган одам ўзи ва фарзандлари келажагига яхшилик тамал тошини қўйиб боради.



**Хуршид Дўстмуҳаммад: — Мақолаларингизда “Миллатнинг биллурланиши” деган ибора учрайди. Айтинг-чи, “Миллатнинг биллурланиши” формуласи қандай?**

**Иброҳим Ғафуров:** — Француз файласуфларидан бирининг “Миллат биллурланиши” деган иборасини кўнглимга жуда яқин олганман. Бу ҳодиса формуласини ўз ижодимда ҳам қўллашга ҳаракат қилганман. Боиси ҳар бир миллатнинг ривожланиши, ўсиши жараёнида мана шу ҳодиса юз беради. Навоий асарларини ўқир экансиз, ўз халқи, тили, одамийлик, маърифат, билиш ҳақида тўхтовсиз фикр юритганига гувоҳ бўласиз. Аслида билиш ва маърифатга, яхши яшашга интилиш миллатнинг биллурланиш хусусиятидир.

Айтиш жоизки, XIX аср охири XX аср бошларидан ҳозирги пайтга қадар ўзбек миллати биллурланиш жараёнини бошдан кечирди. Турли миллатлар ичида ўзбек миллати ўз қиёфаси, хусусиятлари, ўзига хослигини англай борди. Бу жараён Эркин Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидасида шоирона тарзда ифодалаб берилган. Бу қасидада ўзбек халқининг хусусиятлари, унинг биллурланган жиҳатлари, тарих силсиласида ўзини йўқотмай, қирғинлардан миллат сифатида омон чиққани, ўзини сақлай олгани ва дунёга бўйлашгани кўрсатиб берилган. Бу — ўзбек миллатининг биллурланиш формуласи.

Бизнинг миллий фалсафамиз ўқ илдизи ҳам одамийлик туйғуси билан йўғрилган. Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқида ҳам мана шу ғоя мужассам. Миллат ўзининг ҳақиқий қиёфасига эга бўлиши, дунё ҳамжамиятида ўзининг ҳақиқий имкониятларини кўрсатиши миллат маърифатининг биллурланишидир. Буюк аждодларимиз ўзларининг дунё тан олган асарларини яратганда миллат маърифатининг биллурланиши ҳодисаси бошланган. Бу эзгу анъана бугунги кунгача давом этиб келмоқда.

*Суҳбат жараёни лойиҳа иштирокчиларини ҳам бефарқ қолдирмади. ЎзМТДП фаоллари лойиҳа меҳмонига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилди.*

**Нодир Мухторов, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**
**— Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида инсоннинг моддий ва маънавий қанотлари уйғунлиги ҳақида тўхталиб ўтилган. Инсон ҳаётида моддийлик ва маънавийлик даражаларининг аҳамияти ҳақида нима дея оласиз?**

**Иброҳим Ғафуров:** — Инсоннинг моддий ва маънавий қанотларини уйғун ривожлантириш бугун мамлакатимиз сиёсатининг асосига айланмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Қачонки инсоннинг икки қаноти — моддий ва маънавий дунёси бой бўлса, жамият ҳар жиҳатдан комил бўлади. Фақат моддийликка ружу қўйиб, маънавиятни унутиш оғир хатоларга, қашшоқланишга олиб келади. Бир мисол: аждодларимиз қолдирган асарларнинг фақат номини такрорлаш ёшлар ўртасида кўп учрайди. Аслида аждодлар асарларининг номини билиб, улар маъно-мазмунини билмаслик ҳам қашшоқлик саналади. Назаримизда, маънавиятимизни бойитиш, уни ҳаётимизнинг ҳақиқий ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш учун аждодларимиз асарларининг фақат номинигина санамай, уларни ўқиб-уқиш моддий ва маънавий қанотларнинг бақувват бўлишига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини очиб бергани, бу нуфузли халқаро ташкилот минбарида илк маротаба “Саҳиҳи Бухорий”нинг муаллифи сифатида Имом Бухорийнинг номларини тилга олгани, бу номни кенг ва юксак ижтимоий фикр жараёнига олиб киргани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлади. Ушбу асарни ҳам ёш авлод пухта ўқиб, моҳиятини англаши лозим. Аждодларимиз асарларида нима дейилган, уларнинг маънавий-ахлоқий аҳамияти қандай деган саволларга жавоб топилсагина бу асарлар тараққиётга хизмат қилади. Аксинча, бу асарларнинг фақат номини санаш мақтанчоқликдан бошқа нарса эмас.

**Нилуфар Нормуҳаммедова, ЎзМТДП Зангиота туман кенгаши раиси:**
**— Партия фаоли сифатида аҳоли ичида юрамиз, уларнинг ўй-хаёллари, дарди, муаммолари билан танишамиз. Фуқаролар мурожаатига ўз жойида жавоб қайтарамиз. Одамлар ўз ҳаёти, тажрибасига асосланиб савол беради, мурожаат қилади. Уларни шунчаки ёки баландпарвоз гапларга ишонтириш қийин. Партиямизнинг фахрий аъзоси сифатида бугун издошларингизга қандай тавсиялар берган бўлардингиз?**

**Иброҳим Ғафуров:** — Халқ ичида, аҳоли ичида партия ғоялари тарғиботи фақат самимийликка асосланиши лозим. Суҳбат қанчалар самимий бўлса, айтилаётган ҳар бир жумла юракдан чиқса, сўзлар юракка сингади, одамларни ишонтиради. Аҳоли суҳбатнинг тарғибот эканини мутлақо сезмаслиги керак. Бу фикрлар юрт тақдирига бефарқ бўлмаган зиёли инсоннинг мулоҳазалари, йўл-йўриқлари деб тушунсин.

Бугун юртимизда аҳоли мурожаатларига бўлган эътибор, Халқ қабулхоналарининг фаолияти одамларнинг келажакка, ҳаётини ўзгартиришга ишончини оширди. Улар дардига қулоқ соладиган одам борлигига ишона бошлади. Президентимизнинг Виртуал қабулхонасига тушган 1 миллиондан зиёд мурожаатларнинг аксариятига ижобий ечим топилаётгани ҳам жамоатчилик психологияси яхши томонга ўзгаришига замин яратмоқда. Демак, партияга мурожаат қилган одам ҳам шундай хулосага келиши керак. Сиёсий партия жамоатчилик фикрига таъсир қила олиши керак. Бу таъсир эса табиий, ҳаётий бўлиши лозим. Шунда сиёсий партия аҳоли ишончини қозона олади.

**Шаҳзода Бозорбоева, ЎзМТДП фаоли, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:**
**— Тарғиботлар жараёнида “сафимизга қўшилинг” деган иборани ишлатамиз. Шунда ёшлар ҳамиша бир саволни беради: “партия сизга ёки бизга нима берди?”. Устоз, айтинг-чи, сизнингча, партия ёшларга нима беради?**

**Иброҳим Ғафуров:** — Инсон ҳаёт ичига қанча чуқур кириб борса, одамларнинг дарди билан ўртоқлашса, ҳар бир инсон ноёб ҳодиса эканига иқрор бўлади. Бу ноёб ҳодиса — одамзот дунёга бекорга келгани йўқ, у нима учундир яшайди, мақсад қилади, унга интилади, дегани. Сиёсий партия тарғиботчиси ҳам мана шундай катта мақсад билан яшаши керак. Партия ходимининг хатти-ҳаракати самимий бўлиши керак. У партия аъзоси эканлигидан ғурурланса, сиёсий партия ғояларини ҳаётининг бир бўлаги деб билса, ёшлар билан гаплашиш шунча осон бўлади, тарғибот ўз натижасини беради. Тарғибот натижаси тез амалга ошишини кутмасдан ўз ишини ҳалол, чин юракдан бажариш кифоя. “Партия сенга нима берди” каби саволларга ўз ўрнида, савол эгасини ишонтирадиган жавобларга тайёр туриш керак. ЎзМТДП менга Ватанга муҳаббат билан қарашни ўргатди, эътиборли бўлишни, ўз устимда ишлашни уқдирди, фаолликка ундади, эл-юрт учун ёниб яшашга куч бағишлади, деб жавоб қайтариш лозим...

*Иброҳим Ғафуров билан суҳбат узоқ ва самимий давом этди. Ижодий асарларини ўқиб, фақат оммавий ахборот воситалари ва китоблар воситасида сўзлашган ёшлар устоз билан юзма-юз суҳбатлашиб, ўзликни англаш формуласини ечишга ҳаракат қилди. Ўзлик ҳақида суҳбатларимизни ҳали кўп давом эттириш истаги билдирилди.*

**“Milliy tiklanish” мухбири**
**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**ёзиб олди.**

Миллий ғурур

# СОНИЯЛАРГА ЖО БЎЛГАН ЖАСОРАТ

***Шу йилнинг 16-27 сентябрь кунлари Туркманистон пойтахти Ашхобод шаҳрида Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинлари бўлиб ўтди ва унда Ўзбекистон спорт делегацияси ҳам муваффақиятли иштироки билан халқимизни мамнун этди. 20 спорт тури бўйича 12 кун давом этган мусобақа якунига кўра, вакилларимиз 24 олтин, 33 кумуш, 74 бронза — жами 131 медални қўлга киритди. Ўзбекистон терма жамоаси умумий ҳисобда бешинчи ўринни эгаллади.***

Эътиборлиси, Ўзбекистон спорт делегацияси Ашхободдаги комплекс мусобақаларда медаллар жамғариш борасида ўз тарихидаги энг яхши натижани қайд этди. Бунга қадар ўзбекистонлик спортчилар комплекс мусобақаларнинг ҳеч бирида 100 дан зиёд медаль қўлга кирита олмаганди. Демак, ҳеч иккиланмай "Ашхобод — 2017" мусобақаси спортчиларимиз учун омадли келди, деб айтишимиз мумкин.

Спортнинг оғир атлетика тури бўйича иштирок этган ҳамюртларимиз ҳам билдирилган ишончни оқлаб, якунда 2 олтин ва 4 кумуш медалларига эга чиқди ва Осиё ўйинларининг ушбу спорт тури бўйича ўтказилган баҳсларида эркаклар ўртасида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Жамоамизнинг бу ғалабасига муносиб ҳисса қўшган полвонлар ичида Рустам Жангабаевнинг алоҳида ўрни бор. У 105 килограммдан юқори вазнда юртимиз шарафини ҳимоя қилиб, даст кўтаришда 199 килограмм, силтаб кўтаришда 243 килограмм, умумий ҳисобда эса 442 килограмм натижа билан Осиё ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди.

Рустам Жангабаев 1993 йили Қорақалпоғистон Республикасининг Тахиатош шаҳрида туғилган. Мактабда ўқиб юрган кезлари Рустамнинг спортга бўлган қизиқиши юқори эди, аммо уни мақсадга айлантириш бобида бироз иккиланиш ва ҳадикка дуч келарди. У мактаб даврида спорт билан якка ўзи шуғулланар, машғулотларни ҳам ёлғиз ўзи ўтар эди. Рустамнинг спортга бўлган кучли иштиёқи коллеж остонасига қўйган илк қадамлари билан боғлиқ. У коллеж спорт залида мураббий кўникмалари остида машғулот ўтаётган тенгқурларини кўриб ҳавас қилди ва ўзи ҳам устоз кўмагига муҳтож эканлигини англаб етди. Айнан ўша кундан бошлаб Рустам Жангабаев устозлари сабоғи билан спортнинг оғир атлетика тури бўйича жиддий шуғуллана бошлади.

Тинимсиз машғулот, спортга бўлган меҳр ва иштиёқ сабаб тақдир уни коллежда ўқиб юрган пайтлариданоқ сийлай бошлади. Дастлаб республика миқёсидаги мусобақаларда муваффақият қозонган спортчи қитъа чемпионатларида ҳам ўз имкониятини намоён этди. У ўз вазн тоифасида Эронда бўлиб ўтган "Ислом бирдамлиги ўйинлари"да зафар кучиб, юртимизга олтин медаль билан қайтди.

— Спорт унга қадам қўйган ҳеч бир инсонни бенасиб қолдирмайди, — дейди мураббий Мансур Чашимов. — Эришилган натижа ва муваффақият тинимсиз меҳнат, қўлга киритилган ғалаба наъшидасидан ҳаволанмаслик, куну тун машғулот билан банд бўлиш орқали сақлаб қолинади. Бу нарсаларга амал қилмаган спортчининг шуҳрати вақтинчалик бўлади, холос. Шогирдим Рустам Жангабаев ғалабалардан ҳам хулоса чиқарадиган, машғулотларга жиддий қарайдиган спортчи. Унинг бугунги натижалари эртанги кун ғалабалари учун замин бўлиб хизмат қилади.

Тош кўтариш спортнинг бошқа турларига қараганда жуда қийин ва оғир ҳисобланади. Чунки футболда спортчи ўз жисмоний ҳолатини 90 дақиқага, курашда рақибни енггунига қадар ёки белгиланган вақтгача, боксда ҳам ғалаба ё унинг тури бўйича келишилган раундгача тенг тақсимлаши керак бўлади. Аммо тош кўтаришда спортчи бор куч-ғайратини маълум сониялар ичида кўрсатиши — диққат-эътиборини жамлаб, бутун вужудини ўзига бўйсундирган ҳолда белгиланган оғирлик бўйича тошни баланд кўтариши керак. Бу эса кишидан ҳақиқий метин ирода ва чапдастликни талаб этади.

— Мусобақада спортчига унинг ортидан кўз тикиб турган одамлар энг катта куч бериб туради, — дейди Рустам. — Ортимиздан ким кўз тикади? Албатта, ота-онамиз, яқинларимиз, халқимиз. Уларни ўйлаб, ҳис қилиб, хаёлдан фақат ғалаба билан ортга қайтишим керак, деган ўй ўтади. Спортчининг ғалаба қозонишига мана шу ўйлар мадад берса, ажабмас.

Ғалаба билан юртга қайтган Рустам ҳозир доимий машғулотларга киришган. У шу йилнинг ноябрида АҚШда бўладиган жаҳон чемпионатига жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Рустамнинг ўз олдига қўйган яна икки мақсади ва орзуси бор: бири жаҳон чемпиони бўлиш, иккинчиси эса Олимпия ўйинларида биринчиликни қўлга киритиш. Спортчимизнинг бу орзулари ҳам ушалишига ишонамиз ва унга омад тилаймиз.

Доим энг оғир тошларга қўшиб, кўнглимизни ҳам кўтариб юравер, Рустам!

**Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Амалиёт ва самара

# ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ғояси билан ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётган 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ўзбек давлат бошқарув мактабининг бой тажрибаси, ҳаётий қадриятлари ва, албатта, халқимизнинг эҳтиёжи ва хоҳиш-иродаси асосида мужассам бўлган ноёб тарихий ҳужжатдир. Ҳаракатлар стратегиясини нафақат кенг жамоатчилигимиз, балки халқаро экспертлар барқарор тараққиётимизнинг муҳим пойдевори, аниқ мақсад ва вазифаларни қамраб олган ҳаётий дастур сифатида юқори баҳоламоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад — олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизациялаш ҳамда ҳаётнинг барча соҳасини эркинлаштириш, инсон манфаатлари ва халқ фаровонлигини таъминлашдан иборат.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги маърузасида ҳам мазкур дастуриламал ҳужжат борасида тўхталиб, "Стратегия — бу янгиланиш жараёнининг ҳақиқий ҳаракатлар дастури" деб алоҳида таъкидлади. Бу бежиз эмас, албатта. Боиси ҳар жиҳатдан пухта, ҳаётий, халқчил, энг муҳими, халқимизнинг бугунги эҳтиёжлари ва орзу-истакларига мос тарзда ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш мақсадлари билан тўла ҳамоҳанг.

Бугунги глобаллашув шароитида жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, рақобат тобора кучайиб бораётган бир вазиятда давлатимизнинг янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожланиши учун Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва либераллаштиришга қаратилган аниқ вазифалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шунингдек, унда иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, иқтисодий мустақилликни кучайтириш, хусусий мулк ва тадбиркорликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, ташқи иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш, туризм соҳасини кенгайтириш орқали иқтисодиётни янада барқарор ривожлантириш назарда тутилган. Экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, транспорт-логистика инфратузилмасини, тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

"Тараққиёт стратегияси" маркази маълумотларига кўра, Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишнинг жорий йилги давлат дастурида 320 банддан иборат 351 чора-тадбир ўз аксини топган бўлиб, уларнинг ижроси юзасидан йўлга қўйилган мониторинг натижаларига мувофиқ, ҳозиргача 168 та вазифа тўлиқ бажарилган. Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодий йўналишида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш, иқтисодиёт тизимини либераллаштириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш юзасидан ҳам муайян чора-тадбирлар кўрилмоқда. Миллий валютани эркин конвертация қилиш тизимига тўлиқ ўтилгани ва бунда аҳоли учун юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни юмшатиш бўйича барча зарур чоралар кўрилаётгани, мамлакатимизда илк бор тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Омбудсман институти жорий этилгани, бизнес соҳасидаги солиқлар сезиларли равишда қисқартирилиб, кредит олиш имкониятлари кенгайтирилаётгани, янги эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиб, уларда инвесторларга кенг имтиёзлар яратилаётгани шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича умумий қиймати 12,7 миллион доллар бўлган 10 та лойиҳа амалга оширилди. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасига 32 миллион доллар миқдорида инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига 3 та янги ва модернизация қилинган замонавий енгил саноат корхонаси ишга туширилди. Автомобиль йўллари ҳолатини яхшилаш ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари доирасида ҳам бир қатор ишлар бажарилди. 1130,4 километр ички хўжалик йўллари, қишлоқ ҳамда овуллар кўчалари тўлиқ ва жорий таъминланди. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва тадбиркорлар томонидан 89 гектар майдонда иссиқхоналар, 14,1 тонна ҳажмли музлаткич-омборхоналар ҳамда 28,8 мингта хонадонларда 287 гектар иссиқхоналар ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар бугунги кунда барча соҳада муваффақиятли амалга оширилмоқда, мамлакатимиз иқтисодий ўсиши, барқарорлигини таъминлаш, халқ фаровонлиги ҳамда одамларнинг турмуш шароити янада яхшиланишига хизмат қилаётир.

**Шаҳзода САЪДУЛЛАЕВА,**
**Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси**

ММMда

# ЖОНКУЯР ПЕДАГОГЛАР — ЭЛ АРДОҒИДА

***Мамлакатимизда 9 минг 680 умумтаълим мактабида 400 минг, 4 минг 893 мактабгача таълим муассасасида 56 минг 825 нафар, 211 "Баркамол авлод" болалар марказида эса 6 мингдан зиёд устоз ва мураббий ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқда.***

Бу ҳақда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Миллий матбуот марказида "Таълим ва тарбия уйғунлиги — баркамол авлодни шакллантиришнинг муҳим омили" мавзуида ўтказган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Халқ таълими вазири У. Иноятов ва бошқалар мамлакатимизда амалда бўлган таълим сиёсати ўқитувчи ва мураббийлар касбини улуғлаш, уларнинг обрў-эътиборини оширишга қаратилганини таъкидлади.

Матбуот анжуманида таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилди. Хусусан, устоз ва мураббийларни ҳар томонлама рағбатлантириш, улар меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш, тизимда таълим мазмунининг сифат ва самарадорлигини кўтариш мақсадида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот берилди.

Таълим муассасаларининг тегишли фанлар бўйича олий маълумотли педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, туманлар ва қишлоқ жойлардаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртқи бўлимлар ташкил этилди. Махсус сиртқи бўлимларнинг бакалавриат таълим йўналишларига ўқишга ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига ҳамда камида уч йил педагогик амалий иш стажига эга бўлганлар қабул қилинмоқда.

Мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячилар, бошланғич синф, айниқса, аниқ фанлар ва чет тиллари бўйича ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжини қондириш, туманлар ва қишлоқ жойлардаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлаш тизимини жойларда ташкил этишни янада такомиллаштириш ва таълим сифатини яхшилаш мақсадида Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ташкил этилди.

Халқ таълими тизимида раҳбар ва педагог ходимларнинг узлуксиз малакасини оширишни ташкил этиш механизми ишлаб чиқилиб, унга кўра, ҳар бир туман ва шаҳарда методист ўқитувчилар мактаби, методист мураббийлар муассасаси, инновацион тажриба-синов муассасалари фаолият кўрсатади. 2017 йилнинг ўтган даври мобайнида ўқитишнинг замонавий усуллари асосида 90 мингдан зиёд педагогнинг малакаси оширилди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, Халқ таълими вазирлиги ўқитувчи ва педагоглар орасида энг илғор тажрибаларни аниқлаш ва уларни оммалаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси", "Йилнинг энг яхши директори", "Йилнинг энг яхши психологи", "Йилнинг энг яхши методисти", "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси", "Йилнинг энг яхши чет тили ўқитувчиси" ва бошқа кўрик-танловлар орқали илғор, ташаббускор, ижодкор педагоглар тажрибаси тарғиб қилинмоқда.

Тадбирда халқ таълими тизимида давлат мукофотлари билан тақдирланган 4 мингдан зиёд устоз ва мураббий фаолият юритиши қайд этилди. Шулардан 7 нафари Ўзбекистон Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлган.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

**Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,**
**журналист**

Тадбир

# СУҒУРТА — ХОТИРЖАМЛИК ОМИЛИ

## ЛЕКИН УНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ҲАММА ҲАМ ФОЙДАЛАНА ОЛЯПТИМИ?

***Пойтахтимизда "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида "Аҳолининг суғурта маданиятини оширишда журналистларнинг ўрни" мавзусига бағишланган семинар бўлиб ўтди.***

Семинарда таъкидланганидек, мамлакатимизда суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар суғурта бозорини жадал ривожлантириш учун зарур шароитларни яратмоқда, унинг халқаро талабларга жавоб бера оладиган ва рақобатбардош соҳага айланишини таъминламоқда. Суғурта фаолиятига оид қатор қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши унинг хизматлари сифатини ошириш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кафолатланган суғурта ҳимоясини тақдим этиш ва суғурта хизматларига нисбатан ишончнинг мустаҳкамланиши имконини бермоқда. Буни компания билан тузилаётган янгидан янги шартномалар ҳам тасдиқлайди. Бироқ бу кўрсаткичлар мамлакатимиз аҳолисининг кўпчилик қисми ҳали ҳам суғурта хизматларидан кенг фойдаланмаслиги, бунга сабаб фуқароларнинг суғурта турлари, унинг хизмат кўрсаткичлари ва афзалликларидан тўла хабардор эмаслигини кўрсатади.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган 30 га яқин суғурта компанияси жисмоний ва юридик шахсларга 100 дан ортиқ хизматларни тақдим этмоқда. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти, аҳоли соғлиғи, уларнинг мол-мулки суғуртаси, транспорт воситалари эгалари, ташувчиларнинг фуқаролик жавобгарлиги суғуртаси бўйича хизматлар тақдим этувчи суғурталовчиларнинг кенг тармоғи фаолият кўрсатмоқда.

Суғурта соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, унинг инсон ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти катта.

Журналистларнинг суғурта соҳасига оид билимларини юксалтириш ва шу орқали аҳоли суғурта маданиятини оширишга кўмаклашиш мақсадида ўтказилган мазкур амалий семинарда суғурта шартномаси тузилишидан то унинг қопламаси тўловигача бўлган механизми, суғурта соҳасини оммавий ахборот воситаларида ёритишдаги масалалар ҳақида мутахассислар томонидан кенг маълумот берилди.

— Инсон ҳаёти, соғлиғи, унинг мол-мулки билан боғлиқ турли хил хавф-хатар ва талофатлар чоғида суғурта компаниялари доимо ўз хизмат турлари билан аҳолига кўмак беришга шай, — деди "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси бош директори ўринбосари Алишер Асатуллаев. — Бу йил компаниямизда 5 турдаги янги суғурта хизмати йўлга қўйилди. Булар ичидан "Маданий бойликларни суғурталаш", "Ёш саёҳатчи" ва "Менинг уйим — менинг Ватаним" каби шартнома турлари кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

"Ўзбекинвест" компанияси фаолияти ва кўрсатилаётган хизматлари тўғрисида аҳолини хабардор этишда журналистларнинг ролини ошириш мақсадида "Суғурта фаолияти — журналистлар нигоҳида" мавзуида танлов жорий этилган бўлиб, унинг ғолиб ва совриндорлари тақдирланиб келмоқда.

Семинарда аҳолининг суғурта маданиятини оширишда "Ўзбекинвест" компанияси ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

**Исломжон НОРМАМАТОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Эълон

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши партиянинг марказий, ҳудудий ва маҳаллий кенгашларидаги вакант иш ўринлари учун танлов эълон қилади.**

**Марказий, ҳудудий ва маҳаллий кенгашларидаги вакант жойлар тўғрисида МАЪЛУМОТ**

| № | Ҳудудлар | Вакант лавозимлар | Штат бирлиги (*ставка*) |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони мафкуравий масалалари бўлими етакчи мутахассиси | 1 |
| 2. | | ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими етакчи мутахассиси | 1 |
| 3. | | ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони хўжалик бўлими мутахассиси | 1 |
| | **Сирдарё вилояти** | | |
| 4. | Вилоят кенгаши | ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони ташкилий-партиявий ва кадрлар масалалари бўйича бош мутахассиси | 1 |
| 5. | Ховос тумани | ЎзМТДП Ховос туман кенгаши Ижроия қўмитаси етакчи мутахассиси | 1 |
| | **Фарғона вилояти** | | |
| 6. | Ўзбекистон тумани | ЎзМТДП Ўзбекистон туман кенгаши раиси | 1 |
| 7. | Риштон тумани | ЎзМТДП Риштон туман кенгаши Ижроия қўмитаси етакчи мутахассиси | |
| | **Қашқадарё вилояти** | | |
| 8. | Муборак тумани | ЎзМТДП Муборак туман кенгаши Ижроия қўмитаси етакчи мутахассиси | 1 |
| | **Тошкент шаҳри** | | |
| 9. | Шаҳар кенгаши | ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси девони хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими етакчи мутахассиси | 1 |
| 10. | Шаҳар кенгаши | ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси девони жамоатчилик билан алоқалар ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассис | 1 |
| 11. | Шайхонтоҳур тумани | ЎзМТДП Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси | 1 |
| 12. | Сергели тумани | ЎзМТДП Сергели туман кенгаши раиси | 1 |
| 13. | Учтепа тумани | ЎзМТДП Учтепа туман кенгаши Ижроия қўмитаси етакчи мутахассиси | 1 |
| 14. | Мирзо Улуғбек тумани | ЎзМТДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши раиси | 1 |
| 15. | Яшнобод тумани | ЎзМТДП Яшнобод туман кенгаши Ижроия қўмитаси етакчи мутахассиси | 1 |
| 16. | Бектемир тумани | ЎзМТДП Бектемир туман кенгаши Ижроия қўмитаси етакчи мутахассиси | 1 |

***Мурожаат учун телефон:*** *0-371-277-52-82, 277-53-05, 239-45-77*

Бизнинг шарх

# МЬЯНМАНИНГ ҚАЙНОҚ НУҚТАСИ

## ЁХУД МАЗКУР МАМЛАКАТДАГИ ФОЖИАГА КИМ ЁКИ НИМА САБАБ?

***Шу йилнинг 25 август куни Мьянмада ҳукумат қўшинлари билан роҳинжа мусулмонлари ўртасида тўқнашув юз берди. Гап шундаки, мамлакатда террористик ташкилот сифатида қараладиган "Роҳинжаларни қутқариш Аракан армияси" (ARSA) полиция пунктлари ҳамда ҳарбий базаларига ҳужум уюштирди. Мазкур қарама-қаршиликлар оқибатида 400дан зиёд киши ҳалок бўлди. Мьянмада истиқомат қилувчи кам сонли роҳинжа жамоалари яшайдиган 2,5 мингдан ортиқ уйларга ўт қўйилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг сўнгги маълумотларига қараганда, тахминан 400 мингдан зиёд мусулмон-роҳинжа бошпана излаб қўшни Бангладеш давлатига қочиб ўтган.***

Ушбу фожиа юз берганига бир ойдан ошган бўлса-да, унинг атрофидаги гап-сўзлар, муносабатлар ҳамон давом этмоқда. Мьянмада юзага келган мураккаб ижтимоий-сиёсий беқарорлик бугун ё кеча юзага келган эмас. Бу муаммо узоқ йиллардан буён пишиб-етилиб, бугун мана шундай оғир асоратларни келтириб чиқармоқда. Бу муаммонинг юзага келиш тарихи ҳақида гапиришдан олдин даставвал Мьянманинг географик жойлашувига эътибор қаратиш лозим. Мазкур давлат Жануби-шарқий Осиёда, Ҳиндихитой ярим оролининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, ғарбдан Ҳиндистон, Бангладеш, шимоли-шарқдан Хитой, шарқдан Лаос, жануби-шарқдан Таиланд билан чегарадош. Мамлакат 1989 йилга қадар Бирма деб аталган. Аҳолисининг қарийб 90 фоизи буддавийлик динига эътиқод қилади. Расмий тили — мьянма тили.

Роҳинжа этник жамоасининг келиб чиқиши асли бенгалиялик (Бенгалия бугун Ҳиндистон ва Бангладеш ҳудудига тўғри келади) бўлиб, улар асосан, Мьянманинг Бангладеш билан чегарадош Ракхайн (Аракан) штатининг шимолий қисмида яшайди. "Роҳинжа" сўзи Ракхайн штати номидан олинган бўлиб, ўтган асрнинг 50-йилларидан буён кенг қўлланади. Бу этник гуруҳ ислом динига эътиқод қилади. Маълумотларга қараганда, мамлакат ҳудудида тахминан 1,1 миллион роҳинжа истиқомат қилади. 1826 йили юз берган биринчи Англия-Бирма уруши оқибатида британлар Араканни ўз империясига қўшиб олади. Британ мустамлакачилари роҳинжаларни Бирмага кўчириб, улардан шоли майдонларида арзон ишчи кучи сифатида фойдаланади. Шу боис улар Мьянма ҳудудига мамлакат инглизлар мустамлакаси остида бўлган пайтда келиб қолган, деб қаралади. 1869 йилда Араканда мусулмонларнинг сони умумий аҳолининг 5 фоизини ташкил этган бўлса, 1911 йилга келиб, 178 мингдан ортади. Мьянма ҳукумати роҳинжаларни Бангладешдан келган қочқин сифатида билиб, уларнинг фуқаролигини тан олмай келади. Роҳинжалар эса, аксинча, ўзларини Ракхайннинг туб аҳолиси, деб ҳисоблайди.



Мьянма 1948 йилда Буюк Британия мустамлакасидан озод бўлиб, мустақилликни қўлга киритганидан сўнг ҳам роҳинжаларнинг фуқаролигини тан олмади. Бунинг оқибатида ўша йили "Роҳинжаларни қутқариш Аракан армияси" ташкил этилади. 1962 йилда Бирмада бир гуруҳ зобитлар давлат тўнтаришини амалга оширади. Ҳукумат генерал Не Вин бошчилигидаги Инқилобий кенгаш қўлига ўтади ва 1962 йилдан 2010 йилгача мамлакатда ҳарбий диктатура ўрнатилади. Ана шу йилларда мамлакатда айирмачилик ва этник миллатчилик авж олди. 1978 йилда генерал Не Вин 250 минг роҳинжани мамлакатдан ҳайдаб чиқарди. 1982 йилда унинг бошчилигида фуқаролик тўғрисида янги қонун қабул қилинади. Унга кўра, агар роҳинжа ўзининг уч авлоди шу мамлакатда яшаб келаётганини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этсагина мамлакат фуқаролиги бериладиган бўлди. Бундай ҳужжатни тақдим эта олмаса, фуқароликдан маҳрум этилиши қатъий белгилаб қўйилди. Табиийки, бундай маълумотномани тақдим эта олмаган роҳинжалар мамлакатнинг чекка қишлоқ жойларида яшаб, фуқаролиги йўқ шахсларга айланди. 1990-1991 йилларда яна бир бор "этник тозалаш ишлари" амалга оширилиб, бу сафар юз мингдан зиёд роҳинжа мамлакатдан қувиб солинади.

Буддавийлар ҳамда мусулмонлар ўртасидаги қарама-қаршилик илк бор 1942 йилда юз берган. Оқибатда кўп минглаб инсон ҳалок бўлди, ўн минглаб аҳоли мамлакатдан чиқиб кетди. 2012 йилда зиддиятлар яна авж олиб, тўқнашувлар оқибатида 200 мингдан зиёд киши ҳалок бўлди ва 140 минг аҳоли (асосан роҳинжалар) қочоққа айланди. Ўн минглаб аҳоли бошпана излаб Малайзия, Индонезия ҳамда Таиландга қочишга мажбур бўлди. 2011 йилда мамлакатда ҳарбийлар ҳокимиятига чек қўйилганига қарамай, роҳинжалар ҳали-ҳамон сайлаш ва сайланиш, таълим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш каби ҳуқуқлардан маҳрум.

Хорижий оммавий ахборот воситаларида қайд этилишича, бир қарашда Мьянмада юз бераётган зиддиятлар эътиқод масаласи, ер талашиш кўринишида бўлса-да, аслида унинг таг замирида бошқа манфаатлар ётган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Маълумки, Мьянма фойдали қазилмаларга, хусусан, газ ва нефтга бой. Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК) маълумотларига қараганда, мамлакатнинг газ захираси 1,6 триллион куб метрдан ошади. Бу мазкур мамлакат газ ишлаб чиқариш салоҳияти жиҳатидан айрим газ экспорт қилувчи етакчи мамлакатлар билан рақобатлаша олишини англатади. Нефть ва газнинг асосий захираси эса зиддиятлар авж олаётган ҳудуд — Ракхайн штатида жойлашган. Айрим экспертларнинг фикрича, бу ҳудудда яшовчи мусулмон аҳолига оммавий тажовуз кўрсатишдан кўзланган мақсад ҳам аслида шу билан боғлиқ бўлиши мумкин.

— Мьянма 55 миллион аҳолига эга кўп миллатли ва турли диний конфессиялар мавжуд бўлган мамлакат, — дейди Россия фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Жануби-шарқий Осиё бўлими етакчи илмий ходими Аида Симония. — Унда 135 этник жамоа яшайди. Улардан саккизтаси йирик саналади. Фақат 1-1,2 миллион нафарни ташкил этадиган роҳинжалардан ташқари уларнинг барчасининг фуқаролиги тан олинган. Фикримизча, бу зиддият диний характерга эга эмас. Тўғри, роҳинжа мусулмонлардан иборат. Бироқ мамлакатда бошқа мусулмонлар ҳам яшайди. Уларнинг умумий сони мамлакат аҳолисининг 5 фоизини ташкил этади. Шунингдек, 7 фоиз христиан динига эътиқод қилувчилар ҳам бор. Уларнинг бари мамлакат фуқаролари саналади. Улардан фарқли равишда ҳукумат роҳинжаларни туб аҳоли эмас, деган важ билан фуқаролиги ва сиёсий ҳуқуқларини тан олмай келади. Бунга жавобан эса "Роҳинжаларни қутқариш Аракан армияси" ҳукуматга қарши бош кўтармоқда.

Ўтган даврда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолияти билан шуғулланадиган халқаро ташкилотлар, БМТ, минтақа мамлакатлари роҳинжаларга тажовуз қилишга йўл қўйган Мьянма ҳукуматини қаттиқ танқид остига олиб келган. Бугун Мьянмада юз бераётган қонли тўқнашувлар ислом динига эътиқод қилувчи айрим мамлакатларнинг ҳам норозилигига сабаб бўлаётир. Бу эса Мьянма ҳамда айрим мусулмон давлатлар ўртасидаги муносабатларга ҳам раҳна солиши мумкин. Мисол учун, шу йилнинг сентябрь ойи бошида Индонезиянинг Жакарта шаҳрида жойлашган Мьянма элчихонаси ёнида мусулмон аҳоли норозилик намойиши билан чиқди. Шаҳардаги Мьянма элчихонасига ёнувчи аралашмали шиша идиш улоқтирилди. Бунинг оқибатида кичик ёнғин келиб чиқди. Малайзияда ҳам ана шундай намойиш ўтказилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш Мьянмада юз бераётган фожеага баҳо берар экан, унинг "этник тозалаш" эканини инкор этмади. Роҳинжаларнинг учдан бир қисми мамлакатни тарк этгани шундан далолат бераётганини таъкидлади. Бош котиб Мьянма ҳукуматига мурожаат қилиб, юз минглаб одамларнинг мамлакатни тарк этишига сабаб бўлган Ракхайн штатида роҳинжа мусулмонларига нисбатан зўравонликни ва ҳарбий амалиётни тўхтатиш, миллий озчилик сифатида қаралаётган ушбу этник жамоага сиёсий ҳуқуқ ва фуқаролик беришга чақирди, кўмакка муҳтож аҳолига ёрдам кўрсатиш лозимлигини алоҳида қайд этди. Гутерришнинг айтишича, бундан асосан тинч аҳоли азият чекмоқда, ушбу ихтилоф бутун минтақанинг беқарорлашувига олиб келади. У дунё мамлакатларини инсонпарварлик амалиёти ва ёрдами етказиш учун бирлашишга чақирди.

Ўзбекистон ҳукумати Мьянма ҳукуматини бегуноҳ мусулмонларга нисбатан зўравонлик ҳаракатларини тўхтатишга чақирди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги ўз расмий саҳифасида Мьянмада юзага келаётган вазият ҳақидаги хабарларни хавотир билан қарши олгани тўғрисида расмий баёнот эълон қилди.

"Ўзбекистон ТИВ Мьянмада юзага келаётган вазият, хусусан, мамлакатдаги миллий озчиликни ташкил этувчи мусулмонларга кўрсатилаётган зўравонлик ҳолатлари ҳақидаги хабарларни ташвиш билан қарши олди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми, шунингдек, Ислом ҳамкорлик ташкилоти Низоми мақсад ва вазифаларига таянган ҳолда Ўзбекистон зўравонликнинг ҳар қандай кўринишини қоралайди ва ирқи, тери ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий, туғилиши ёки бошқа ҳолатлар билан боғлиқ белгиларидан қатъий назар, ҳар бир инсон барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши тарафдори эканлигини билдиради", — дейилади баёнотда.

Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон ҳукумати томонидан мьянмалик қочқинларнинг эҳтиёжлари учун уларга инсонпарварлик ёрдамини юбориш тўғрисида қарор қабул қилингани ҳақида хабар берди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Мьянма ҳукуматини бегуноҳ мусулмонларга қарши зўравонлик хатти-ҳаракатларни тўхтатишга ва бу ҳодисанинг олдини олиш учун барча зарур чораларни кўришга ҳамда муаммони фақатгина тинч йўл билан ҳал этишга чақирди.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

# ГАРВАРД УНИВЕРСИТЕТИ — РЕЙТИНГ ЕТАКЧИСИ



***Гарвард университети "The Wall Street Journal" ҳамда Британиянинг "Times Higher Education" журналлари эълон қилган энг яхши олий таълим даргоҳлари рейтингида биринчи поғонани эгаллади, деб ёзади "tass.ru".***

Иккинчи ўринни Нью-Йоркдаги Колумбия университети, учинчи поғонани Массачусетс технология институти ҳамда Стенфорд университети банд этди. Дастлабки ўнталикдан Дьюк, Йель университетлари, Калифорния технология институти, Пенсильвания университети, Принстон ҳамда Корнелль университетлари ўрин олди.

Рейтингни тузишда битирувчиларнинг даромадлари, ҳар бир университетнинг академик ресурслари, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ўзаро муносабат даражаси каби омиллар инобатга олинди.

Жорий йилги рейтингни тузишда 109 минг талаба иштирокида сўров ўтказилди. Унда талабаларга ўқув жараёнига боғлиқ еттита савол билан мурожаат қилинди.

# САҲРОДАГИ УЙ



***Лондонлик дизайнер Жеймс Уитакер 2018 йилда чўл шароитида қуриладиган янги уй лойиҳасини тақдим этди. Уй асосан денгиз контейнерларидан қурилади. Бу ҳақда "life.ru" хабар тарқатган.***

Умумий майдони 200 квадрат метр жойда учта хона, ваннахона ва меҳмонхона жойлашади. Бундай уйлар Жанубий Калифорниядаги чўлнинг 36 гектар ерида қад ростлайди.

Дизайнернинг айтишича, уй ноодатий шаклда бўлади — бир нечта контейнер марказдаги бир нуқтада туташади. Бундан ташқари, уй атрофида ўсимлик ва кичик қум тепаликларидан бошқа ҳеч нарса бўлмайди. Уй ташқи томондан оч рангда бўлади. Унинг ичи экологик соф материаллар билан безатилади. Уйга ёрқин рангдаги мебель ўрнатилади. Уитакернинг ғоясига кўра, уйнинг барча ойнасидан чўлнинг гўзал манзараларини томоша қилиш мумкин. Бино томида қуёш панелларини ўрнатиш мўлжалланган.

# ОДАМ ҲАРОРАТИ МАСОФАДАН ЎЛЧАНАДИ



***Хитойнинг "Xiaomi" компанияси тиббий жиҳозлар ишлаб чиқарувчи "iHealth" компанияси билан ҳамкорликда масофадан туриб инсон ҳароратини ўлчайдиган "Xiaomi iHealth" деб номланган инфрақизил-термометрни ишлаб чиқарди. Бу ҳақда "42.tut.by" хабар тарқатган.***

Модел сенсор ҳисоблагичлар ёрдамида ишлайди, ўлчашдаги хатолик 0,2 даражадан ошмайди. Термометрдаги биринчи сенсор — "Heimann" компаниясининг инфрақизил ҳисоблагичи бўлиб, у бир сония ичида бутун тананинг ҳарорати ҳақида маълумот тўплайди. Иккинчи сенсор эса олинган натижага атроф-муҳит ҳароратининг таъсирини камайтиради.

Инсон тана ҳароратини ўлчаш учун термометрни унинг пешонасига олиб келиш кифоя. Ўлчашлар якунлангандан кейин у тебранувчи сигнал беради. Қурилма уч дона ААА батарейкасида ишлайди ва уларнинг қуввати 3 минг ўлчашга етади. Қурилманинг нархи — 20 доллар.

Рангин дунё

# ТАБИАТИ ФУСУНКОР ХИЁБОН

***Аргентинанинг Санта-Крус вилоятида жойлашган Лос-Гласьярес миллий хиёбонига бориш — миллионлаб сайёҳлар орзуси. Боиси мазкур хиёбонда бир вақтнинг ўзида салобатли тоғлар, йирик музликлар, кўл ва ўрмонларни томоша қилиш, фусункор табиат гўзаллигидан баҳраманд бўлиш мумкин. Қолаверса, бу ерда ибтидоий одамларнинг суяклари, динозаврлар қолдиқлари топилгани учун у алоҳида илмий аҳамиятга эга маскан саналади.***



Лос-Гласьярес хиёбони 1937 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳудудининг катталиги жиҳатидан мамлакатда иккинчи ўринда туради. Майдони 445 минг 900 гектарни ташкил этадиган хиёбоннинг 30 фоиз ҳудуди музликлардан иборат. Табиат қўриқхонаси ўз ҳудудидаги музлик қопламаси жиҳатидан Антарктида ҳамда Гренландиядан сўнг учинчи ўринни эгаллайди.

Хиёбон шимолий ва жанубий қисмга бўлинади. Мамлакатдаги энг йирик Лаго-Архентино кўли хиёбоннинг жанубий, Вьедма кўли шимолий қисмида жойлашган. Ҳар икки кўл ҳам Атлантика океанига қуйиладиган Рио-Санта-Крус дарёсини сув билан таъминлайди. Хиёбоннинг марказий қисми сайёҳлар учун ёпиқ бўлиб, бу ерда ҳеч қандай кўл йўқ.

Фицрой тоғи ҳамда Перито-Морено музлиги хиёбоннинг энг диққатга сазовор жойларидандир. Тоғни 1877 йилда аргентиналик олим Франсиско Морено кашф қилган. Унинг энг баланд чўққиси — 3 минг 405 метр. Тоққа яқин жойда Эль-Чалтен деб аталадиган аҳоли манзилгоҳи жойлашган. Ушбу тоғ илк маротаба 1952 йилнинг 2 февралида француз альпинистлари Лионель Террай ҳамда Гвидо Маньоне томонидан забт этилган.

Машҳур Перито-Морено музлиги эса XIX асрда уни илк бор тадқиқ этган маҳаллий олим Франсиско Морено номи билан аталади. Музлик Эль-Калафате шаҳарчасидан 78 километр узоқликда жойлашган. Унинг узунлиги — 30, баландлиги — 4 километр. Майдони 250 квадрат километрни ташкил этади. Бу ерда Маркони, Упсала, Спегаззини, Агассиз, Онелли, Мойоко, Вьедма, Боладо, Амехино музликлари ҳам ўрин олган. Улар орасида энг йирик музлик — Упсала. Унинг узунлиги 60, эни 8 километрга етади.

Хиёбонда жойлашган Лаго-Архентино кўли мамлакатдаги энг чуқур чучук кўл бўлиб, 1 минг 415 квадрат метр майдонни эгаллаган. Кўлнинг чуқурлиги 500 метрга етади. Уни қорли тоғлар қуршаган. Бу ерда фламинголарни ҳам учратиш мумкин. Кўлда балиқ тутиш сайёҳларнинг энг марокли машғулотига айланган.

Хиёбонда ўртача ҳаво ҳарорати — 7,5 даража илиқ. Бу ерда йил давомида қуёшли кун кўп. Фақат апрель ва май ойида ёғингарчилик кўп кузатилади. Бу пайтда хиёбоннинг текислик ҳудудида ёмғир, тоғда қор ёғади. Одатда, баҳорнинг бошларида ва ёзда хиёбонга Антарктидадан совуқ шамол кириб келади ва ҳаво бироз салқин бўлади.

Хиёбон ҳайвонот ва наботот оламига бой. Тоғ ўрмонларида, асосан, арча ўсади. Хиёбонда бутазорларга ҳам дуч келиш мумкин. Хиёбоннинг ҳайвонот дунёси ўзига хос: тулки, Америка сассиққўзани, Анд буғуси, лама, Патагония қуёни, пума каби жониворлар яшайди. Шулар ичида Анд буғуси Халқаро Қизил китобга киритилган. Улар тоғнинг юқори қисмида яшайди. Афсуски, бугун уларнинг сони тобора камайиб бормоқда. Хиёбонда қарийб юз турдаги қушларни учратиш мумкин.

Лос-Гласьярес миллий хиёбони 1981 йилда ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

**Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.**

Ҳунармандларимиз

# МИЛЛИЙ СОЗЛАР — ҚАЛБ ҚЎРИ, МЕҲР-МУҲАББАТ МАҲСУЛИ

***Шерзод Эркинов жиззахлик ҳунармандлар авлодидан. У ёғоч ўймакорлиги сирларини отаси Илҳом Мирзаабдуллаевдан ўрганган. Шу боис ҳам у ота касби — ёғочдан чолғу асбоблари ясаш ҳунарини доимо эъзозлаб келади.***

...Жиззах шаҳрининг Заргарлик маҳалласида яшовчи уста-ҳунармандлар сулоласининг учинчи вакили Илҳом уста болалигидан шу касбга кўнгил қўйди, унинг сир-асрорларини йиллар давомида пухта ўзлаштириб, ҳақиқий уста даражасига кўтарилди.

У ота касбини эгаллаб, кам бўлмади. Шу ҳунар ортидан рўзғор тебратмоқда — нони бутун, турмуши фаровон. "Ҳунар, ҳунардан ризқинг унар", деб шунга айтишса керак. Ҳалол ризқ ортидан тўйлар ўтказиб, элга ош берди.

Илҳом Мирзаабдуллаев ёғоч ўймакорлиги мактабини янада ривожлантириш мақсадида фарзандлари, набиралари, маҳалла ёшларига ҳунармандлик сирларини ўргатмоқда. Бугун бу азалий касбга қизиқадиган ва ўзининг ҳунармандлик мактабини яратишга бел боғлаган ёшлар кўп. Фарзандлари Дилшод, Шерзод ва Беҳзод бу ҳунарни янада пухта эгаллашга интилмоқда.

— Миллийлигимизни ўзида акс эттириб турувчи халқ амалий санъати намуналари билан келажак авлодни таништириш биз усталарнинг олдимизда турган шарафли вазифалардан биридир, — дейди И.Мирзаабдуллаев. — Эртамиз эгаларига аждодларимиздан мерос бу ҳунар сир-асрорларини ўргатиш, уларнинг ушбу ҳунарга бўлган қизиқишини ошириш мақсадимиз. Мамлакатимизда миллий ҳунармандлик, тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор, яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар фаолиятимиз ривожида муҳим омил бўлаётир. "Мумтоз наво" кичик корхонаси ташкил этиб, санъат намуналарини ишлаб чиқармоқдамиз. Қўл меҳнати билан бирга, замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этганмиз.

...Маҳалла марказидаги мўъжазгина устахона. Ўттизга яқин турли дастгоҳ ва мосламалар жойланган хона уста-шогирдларнинг ижодий ишлари билан безатилган. Улар орасида Илҳом ака илк бор ёғоч ўймакорлиги асосида ясаган чолғу асбоби ҳам бор. Бир қарашда оддий туюлган ушбу буюм устанинг дастлабки меҳнат маҳсули сифатида қадрлидир. Устахонада "устоз-шогирд" анъанасига мувофиқ ўнга яқин шогирд ёғоч ўймакорлигининг нозик ва мураккаб сир-асрорларини қунт ва сабот билан ўрганмоқда.

"Ишнинг унумли бўлиши аввало, интизом ва саришта元ликка боғлиқ, бу ишингизга унум, рўзғорингизга барака олиб келади", дейди уста шогирдларига ёғоч ўймакорлиги сир-асрорларини тушунтирар экан. Уларга касбга меҳр қўйиш, уни шунчаки меҳнат деб эмас, чин иштиёқ билан бажариш кераклигини, ана шундагина яратилган маҳсулот ҳақиқий санъат асарига айланишини уқтиради.



Дарҳақиқат, ёғоч ўймакорлиги санъати инсондан нозик дид, қунт ва сабр-тоқат талаб этади. Чунки битта мураккаб композицияли нақшни яратиш учун уста баъзида ойлаб ишлашига тўғри келади. Ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган ёнғоқ дарахтлари мўътадил ҳароратда узоқ қуритилади. Бу ёғочга чиройли жило беришга, яратилган маҳсулотнинг узоқ йиллар сақланишига хизмат қилади. Устахона саҳнида деярли бўш жойнинг ўзи йўқ. Бир ёнда сўнгги ишлов ва синовдан ўтган тайёр чолғу асбоблари — ғижжак, қашқар рубоби, тор, доира... Бир ёнда узоқ вақт сақланадиган тут, ёнғоқ, чинор ва ўрик дарахтларидан қирқилган ғўла бўлаклари ҳам кишининг ҳавасини келтирар даражада тахлаб қўйилган.

— Уста-ҳунармандларимиз ясаётган буюмлар ўзига хос бўлиб, шакли ва ижро усули билан бир-биридан ажралиб туради, — дейди "Ҳунарманд" уюшмасининг Жиззах шаҳар бўлими раиси Рустам Шукуров. — Уларнинг доимий изланишлари натижасида миллий мусиқа асбоблари янги услуб ва замонавий йўналишлар билан бойитиб борилмоқда.

Бугун халқимиз бадиий ҳунармандлигининг қадимий услуб ва мактабларни асраб-авайлаш, ўрганиш ва янада такомиллаштириш миллий маданиятимиз равнақида муҳим омилдир. Бу саъй-ҳаракатлар юртимизда ҳунармандликни ривожлантириш ва ёш авлодни касб-ҳунарга йўналтириш, уларни аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялашга хизмат қилади.

Оиладаги ижодий муҳит, ота-боболаридан мерос касбни давом эттириш истаги туфайли Илҳом Мирзаабдуллаевнинг фарзандлари ҳам ёғоч ўймакорлиги касбини эъзозлаб келмоқда. Ҳунарнинг бугунги давомчиларидан — Жиззах давлат педагогика институти талабаси Шерзод Эркинов отасидан ёғоч ўймакорлиги сирларини ўрганиб, моҳир уста бўлиб етишди. У миллий чолғу асбоблари ясаш, созларга мукаммал ишлов бериш, ташқи безак беришнинг ҳадисини олган. Ўзи тайёрлаган миллий чолғу асбоблари билан "Ташаббус — 2017" кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этиб совриндор бўлди. Моҳир ҳунарманд тайёрланаётган мусиқа асбобларига юртимиз санъат ихлосмандлари орасида ҳам қизиқиш катта. Ўтган йили Жиззах шаҳридаги 16-умумтаълим мактаби, 10-мактабгача таълим муассасаси ҳамда Меҳрибонлик уйига мусиқа асбобларини тақдим этди.

— Ҳунармандлик авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятларимизнинг ўзига хос кўринишидир, — дейди "Ҳунарманд" уюшмасининг Жиззах шаҳар бўлими аъзоси Шерзод Эркинов. — Болалигимдан бошлаб отамдан ёғоч ўймакорлиги сирларини ўрганаман. Ҳозирги кунда мустақил уста сифатида фаолият юритсам-да, ҳалиям у кишининг маслаҳати ва кўмагига суянаман. Олий ўқув юртини тамомлагач, мактабда ёшларга дарс бериш билан бирга, халқ амалий санъати сирларини ўргатишни ҳам ният қилганман.

**Абдулла САИДОВ,**
**журналист**

Саховат

# КИТОБ — ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

***Жамоат транспортида телефон ё планшетидан бош кўтаролмай ўтирган ёшларни кўрган кўпчилик деярли бир хил ўйлайди: Интернетда бирор видео-ролик томоша қиляпти ёки ижтимоий тармоқларда бирор "дўсти" билан мулоқот қиляпти...***



Тўғри, бугун Интернет, хусусан, ижтимоий тармоқлар кўп вақтимизни ўғирламоқда. Аммо инсон ҳар қандай замонавий технологиядан фақат ўз маънавий оламини бойитиш йўлида фойдаланса бўлади. Шу маънода Интернетни доимий ҳамроҳига айлантирган ҳамма ёшлар ҳақида ҳам бирёқлама фикрламаслик керак. Балки у ҳали сотувга чиқмаган бирор асарнинг электрон вариантини ўқиётгандир ё бўлмаса, дарси, ўқиши учун керакли маълумотни қидираётгандир...

Ижтимоий тармоқлар ичида "Телеграм" ҳам қулай, ҳам оммавий: ундан бир мавзу атрофида баҳслашиш, фикрлашиш, мутолаага қўйилган китоб муҳокамаси учун турли талқин ва қарашлар майдони сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Юртимизнинг мингдан ортиқ ёшларини ўзида бирлаштирган, уларни, асосан, китоб мутолаасига чорлайдиган, турли хил қизиқарли лойиҳалар билан тенгдошлари орасида китобхонлик маданиятини тарғиб қилиб келаётган гуруҳлардан бири "Intellect"дир. Гуруҳда ҳар ой якуни бўйича ўқилган асарлар муҳокама қилинади. Энг яхши китобхонлар гуруҳ ташкилотчилари ва "Китоб олами" маънавий-маърифий савдо мажмуаси тақдим этган китоблар тўплами билан тақдирланади.

Глобаллашув ва ахборот асрида ёшларни китоб мутолаасига чорлайдиган, уларнинг маънавий оламини бойитадиган, навқирон авлодни бир мақсад сари олға бошлайлиган ушбу гуруҳ аъзолари яқинда яна бир эзгу ишга қўл урди. Ўттизга яқин кўнгиллилардан ташкил топган гуруҳ вакиллари Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига китоб улашиш учун бордилар.

— Болажонларга ўзимиз билан бирга 200 га яқин китоб олиб бордик, — дейди "Intellect" гуруҳи маъмури Илёс Сафаров. — Китобни улар учун энг яхши совға, деб билдик. Китобга, маърифатга дўст тутинган инсондан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди.

Фарида Кенжаева бу даргоҳдаги 110 нафар кўнгли ярим тарбияланувчиларнинг ҳам мураббияси, ҳам онасига айланган.

— Шунча йилдан бери бу даргоҳда ишлаб, англаганим шу бўлди: фарзанди бор ҳар аёл ҳам она эмас, фарзанди бор ҳар эркак ҳам ота эмас, — дейди Фарида опа. — Уларга бир қаранг-а, бир-биридан ақлли, бир-биридан зукко. Аммо тақдирнинг шундай оғир синовлари ҳам бўларкан. Давлатимиз бундай ёшларни ўз ҳолига ташлаб қўйгани йўқ. Улар учун барча шароит бор. Болаларим ҳеч нарсадан зориқмай улғаймоқда. Фақат... ўз ота-онасининг меҳридан бўлак.

Ҳа, бу ердаги болаларни, уларнинг истеъдод ва маҳоратини кўриб, тан бермай илож йўқ. Республикамизнинг турли олий таълим муассасалари, ҳарбий билим юртларида таҳсил олаётган Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари эса Фарида опанинг фарзанди, фахри саналади.

Турли соҳа вакилларидан таркиб топган гуруҳ ўз дастурлари билан болажонлар қалбига қувонч улашди. Болалар ҳам ашула ва рақслар ила ўз истеъдодларини намойиш этди. Шундан сўнг келтирилган китоблар Меҳрибонлик уйи кутубхонасига топширилди. Кутубхонада Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан ўқиган асарлари юзасидан суҳбат уюштирилди.

**Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ММMла

***Музейлар тарихимиз, миллий маданий меросимиз, анъана ва урф-одатларимиз, қадриятларимизни келажак авлодга етказиш ва қайта тиклашда муҳим маскан саналади. Бугунги кунда республикамизда 350 дан ортиқ музей фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 79 таси Маданият вазирлиги тасарруфида.***

# МУЗЕЙЛАР — ТАРИХ ВА БУГУННИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

Бундан ташқари Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида 3 йирик музей-қўриқхона мавжуд бўлиб, улар таркибида 38 музей фаолият юритиб келаётир. Музейлар фондида жами 2,4 миллиондан зиёд нодир экспонатлар сақланмоқда.

Маданият вазирлиги ўтказган "Музейлар — бой тарихимиз ва бетакрор маданиятимиз хазинаси" мавзусидаги матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди.

— Музейлар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида 2018 — 2027 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилди, — дейди Маданият вазири ўринбосари Камола Оқилова. — Унга мувофиқ музейларда сақланаётган миллий хазинамизни келажак авлодга бус-бутун етказиш, мавжуд экспонатларнинг электрон картотекасини яратиш, кадрлар малакасини ошириш, мамлакатимиз туризм салоҳиятини юксалтириш каби бир қатор вазифалар назарда тутилган.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда аҳоли дам олишини мазмунли ташкил қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Музейларнинг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ушбу соҳа ривожида янги саҳифа очди. Унга мувофиқ, барча давлат музейига 18 ёшгача бўлган болалар ва уларнинг ота-оналари ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари, барча учун эса ҳар йили 2-8 сентябрь кунлари ўтказиладиган "Музейлар ҳафталиги" доирасида бепул кириш тартиби жорий этилган.

Матбуот анжуманида музейлар тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг аҳоли маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш, музей фондларида сақланиб келинаётган халқимизнинг бой тарихи, мустақиллигимиз одимларини акс эттирувчи ноёб ва нодир экспонатларни асраб-авайлаш, ўрганиш, янада бойитиб бориш, тарғиб қилиш ҳамда дунёга олиб чиқиш борасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммо ва камчиликлар, келгусидаги вазифалар ҳақида кенг маълумот берилди.

**Нигора НИШОНБОЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

***Инсульт — бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши билан кечадиган касаллик. Бу хасталик бош мияга қон қуйилиши ёки мия томирларига лахта қон тиқилиши оқибатида юзага келади. Хўш, унинг қандай аломатлари бор?***

# ИНСУЛЬТДАН ҚАНДАЙ САҚЛАНИШ МУМКИН?



Мутахассислар, аввало, қўл ва оёқнинг увишиб қолишига бепарво бўлмасликка чақиради. Чунки қўл ва оёқнинг бирида кучсизлик сезилиши — инсульт ёки мияга қон қуйилишининг илк белгиси. Баъзан бутунлай ҳаракатдан қолиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Иккинчи муҳим белгиси эса нутқ бузилиб, сўзлаш қийинлашади, оғиз чети қимирламайди, ҳатто нутқ бутунлай йўқолиши ҳам мумкин. Энг ёмони, ушбу аломатлар бир пайдо бўлиб, бир йўқолиб туради. Одатдаги инсультда бу белгилар узоқ вақт сақланади. Шу боис ана шундай аломатлар сезилиши билан дарҳол шифокорга мурожаат қилиш лозим.

Инсультни фақат кексайганда юз берадиган хасталик, деб ҳисоблаш нотўғри. Тўғри, ёш ўтгани сайин унга чалиниш хавфи ошиб боради. Бунга асосий сабаб одам кексайгани сари юрак-қон томир касалликлари кўпайиб боради, мия томирлари мўртлашади. Аммо кейинги пайтда чекиш, спиртли ичимлик истеъмол қилиш, ортиқча вазннинг юзага келиши туфайли ёшлар ҳам бу хасталикка чалинмоқда. Айни чоғда ирсий жиҳатдан қон қуюқлашишига мойиллик, грипп асорати ҳам бу хасталикка олиб келиши мумкин. Айрим ҳолларда ёши ўтган ҳомиладор аёлларда ҳам инсультга чалиниш кузатилмоқда. Шунингдек, гиподинамия (камҳаракатчанлик), стресс (руҳий зўриқиш), атеросклероз, артериал гипертония, қандли диабет, юрак аритмияси инсультга олиб келувчи асосий омиллар ҳисобланади.

Қон томирлари қайишқоқлигининг йўқолиши ва мияга қон қуйилишига йўл қўймаслик учун, аввало, таом ва салатларга тузни камроқ солиш тавсия этилади. Чунки туз қон босимини кўтаради. Маринадланган, консерваланган, ачитилган маҳсулотлар ва колбасаларда туз жуда кўп. Ош тузини ортиқча истеъмол қилиш артериал гипертонияга туртки бўлса, кам миқдордагиси нафақат қон босимини меъёрда ушлаб туради, балки инсульт ривожланишининг олдини олади.

Мева-сабзавотни етарли миқдорда истеъмол қилиш инсультга чалиниш хавфини камайтиради. Чунки улар қон босимини 5 миллиметр устунга қадар туширади. Кунига беш маҳал сабзавот-мева истеъмол қилиш мўътадил меъёр ҳисобланади. Ҳафтада икки марта тузланмаган, ёғсиз балиқ истеъмол қилиш ҳам фойдали. Балиқ гўшти юрак мушакларида моддалар алмашинувини яхшилаб, қонда холестерин миқдорининг пасайишига ёрдам беради.

Доимо бажариладиган жисмоний машқлар, эрталаб ва кечқурун ярим соат пиёда юриш, югуриш, сузиш, велосипедда сайр қилиш инсульт келиб чиқишининг олдини олади. Аслида инсультга чалинмаслик чораларини кўриш ҳар бир кишининг ўз қўлида. Фақат соғлиғимизнинг қадрига етиб, келажагимизга бефарқ бўлмасак кифоя.

БИЛАСИЗМИ?

● Темир йўл муҳандиси Жон Пик Найт ихтиро қилган дунёдаги илк светофор 1868 йилнинг 10 декабрида Лондон шаҳридаги парламент биноси яқинида ўрнатилган.

ТУРФА ОЛАМ

# "ХАЛОСКОР" КАПСУЛА

***Сиэтллик (АҚШ) ихтирочилар кашф қилган махсус капсула ёрдамида ҳар қандай табиий офат пайтида омон қолиш мумкин, дейилади "24gadget.ru" сайтида.***

Капсуланинг ичида 10 киши беш кун давомида қолиш имкониятига эга. Капсула авиацияда ишлатиладиган алюминийдан тайёрланган бўлиб, сув киришидан ҳимояланган. Ишланма ўз ичидаги одамларни турли табиий офатлар, исталган буюмлар орқали бериладиган зарбалар, баландликдан қулашдан ҳимоя қилишга мўлжалланган. Ихтирочиларнинг айтишича, агарда тезликда хавфсиз жойга кўчириш ишлари амалга оширилмайдиган бўлса, капсулалар ўз эгаларини турли табиий офат — зилзила, довул, тўфон, цунамидан ҳимоя қила олади. У чўкиб кетмайди ҳамда доимо сув юзасида қалқиб туради.

Ҳинд океанида 13 йил аввал юз берган ва минглаб инсонларни ҳаётдан олиб кетган цунамидан сўнг муҳандислар Скотт Хилл ҳамда Жулиан Шарпда ана шундай қурилмани яратиш ғояси туғилган. Муҳандислар турли ҳажмдаги қурилманинг бешта моделини ишлаб чиқишди. Унинг ичига герметик люкни очган ҳолда кириш мумкин. Кабинада ўриндиқлар, ичимлик суви ҳамда озиқ-овқат захираси бор. Мижозларнинг хоҳишига кўра, ичкарига махсус камарлар, ҳожатхона, қуёш панеллари, ёритиш ускуналари ва мусиқа қурилмаларини ўрнатиш мумкин. Мажмуа ичида мўътадил ҳарорат мунтазам сақлаб турилади.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1016. Адади — 5055. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Мухтарама КОМИЛОВА
Навбатчи: Ойдин АЛИМАРДОНОВА
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 22.30. Топширилди — 00.30.
ISSN 2010-7714
12 56